

Ёз
ҳаракати —
соз ҳаракат.

Ўзбек халқ мақоли



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI * معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 30-iyun, chorshanba № 51 (8284) ISSN 2010-6416



Пойтахтимизнинг Учтепа туманида жойлашган “Гулбахор” болалар соғломлаштириш оромгоҳида Оролбўйи минтақасидан 220 нафардан ортиқ ўғил-қиз дам олмоқда.



“ГУЛБАХОР” ДА ЁЗ МАВСУМИ

Уларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун барча шароитлар муҳайё этилган. Болалар бу масканда бир-бирлари билан дўстлашиб, спорт ўйинларида чиниқиб бормоқдалар. Турли маънавий ва спорт тадбирларида эса, улар билимларини мустақамлаб, мусобақаларда беллашмоқдалар.

Суратларда: “Гулбахор” болалар соғломлаштириш оромгоҳида давом этаётган мазмунли ҳордиқ лаҳзалари акс этган.

Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.



МАРД ЁРДАМГА ҚОДИР БЎЛАДИ

Қирғизистон Республикасининг Ўш ва Жалолобод вилоятларида содир этилган фожиаларни эшитган, кўрган ҳар қандай дийдаси қаттиқ одам ҳам қаттиқ алам ва изтиробга тушиши шубҳасиз.

Бизнинг Андижон вилояти Пахтабод туманидаги Маданият қишлоғимиз Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилояти билан чегарадош. Ўша кунларда жабрланган

кўплаб қирғизистонлик ўзбеклар ўз юртини ташлаб, мамлакатимизга қочиб ўтишди. Уларнинг бир қисми бизнинг қишлоғимизга жойлаштирилишини эшитиб, бир гуруҳ ўқитувчилар билан биргаликда улар жойлашадиган ерга етиб бордик. Ана шу фурсатнинг ўзидаёқ бошқарув штаби тузилиб, тизимли равишда иш бошланди.

(Давоми 2-бетда.)

Фарғона вилоятида болаларнинг ёзги соғломлаштириш масканларида дам олиши мароқли ўтмоқда.

ОРОМГОҲЛАР ҚУЧОҒИДА

Айни пайтда барча оромгоҳлар болажонлар билан гавжум. Уларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун етарли шарт-шароит яратилган. Касаба уюшмалари вилоят бирлашмаси, маданият ва спорт ишлари, халқ таълими бошқармалари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида “Баркамол авлод йили” Давлат дастури доирасида болаларни соғломлаштириш ва дам олдирши учун ало-

ҳида тадбирлар ташкил этилаётир. “Ёзни “Камолот” билан!” лойиҳаси бунда муҳим ўрин тутмоқда.

Оромгоҳларда мазкур лойиҳа доирасида ўтказиладиган ҳар бир тадбирнинг маънавий-маърифий аҳамияти катта. Айниқса, бунда интерфаол ўйинлардан фойдаланилаётгани самарали бўлаётир.

(Давоми 2-бетда.)

ГАЗЕТАНИ
ВАРАҚЛАГАНДА

ЁШ
МУТАХАССИС
ФАОЛИЯТИ

Уқув йили давомида қандай кечди?

3-бет

ДАРСЛИКЛАРНИНГ
ИЖАРА ТИЗИМИ:

қўлай, арзон ва афзал

5-бет

ДИРЕКТОРЛАР
КЕНГАШИ

таълим-тарбия жараёнида
яқин кўмакчи

7-бет

БЎПАЖАК
ТАПАБАГА
МАСПАҲАТЛАР

11-бет

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти олий ўқув юртлири ўртасида ўзига хос нуфузга эга. Мазкур ўқув даргоҳи ўзининг кўп йиллик бой тарихи, кадрлар тайёрлаш салоҳияти, амалий тажрибалари билан алоҳида эътирофга сазовор. Қорақалпоғистонлик педагогларнинг қайси бири билан суҳбатлашманг, аксарияти шу ерда таълим олганлигини фахр билан қайд этади. Балки шунинг учундир, ушбу ўқув юрти талабаси бўламан, деган йигит-қизларнинг сони йил сайин кўпайиб бормоқда.

Abituriyent — 2010

Дарҳақиқат, бу йилги абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилишни янада яхши ташкил этиш мақсадида қабулга ажратилган жой меъёрий ҳужжатлар, статистик маълумотлар,

«УСТОЗИМГА ЎХШАГАН ЎҚИТУВЧИ БЎЛМОҚЧИМАН»

Нукус давлат педагогика институтига ҳужжат топширган ҳар бир абитуриент шу ниятда

Дарҳақиқат, айна кунларда институтга катта ҳаёт бўсағасида турган иқтидорли ёшлар ўзлари танлаган соҳаси бўйича ҳужжат топширмоқдалар.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2010-2011 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида институтда катта тайёргарлик ишлари кўрилди, — дейди қабул комиссияси масъул котиби Комил Ташанов. — Таъкидлаш керакки, институтимизда ўқиш истагида бўлган ёшларнинг кўпайиши таълим соҳасига эътиборнинг ортгандан далолатдир. Олий таълим муассасамизга бу йил бакалавриятнинг 20 йўналиши бўйича 1275 нафар талаба қабул қилиниши режалаштирилган. Уларнинг 450 нафари давлат гранти ва 825 нафари тўлов-шартнома асосида таҳсил олади. Магистратура босқичида эса 8 мутахассислик бўйича 53 нафар бакалавр дипломига эга бўлган йигит-қизлар қабул қилинади. Уларнинг

15 нафари давлат гранти ва 38 нафари тўлов-шартнома асосида ўқишлари мумкин. Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотларда кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда бу йил абитуриентларимиз бакалаврият йўналиши бўйича математика, физика ва астрономия, кимё, биология, география ва иқтисодий билим асослари, тарих, тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси, педагогика ва психология, мусиқий таълим, ўзбек тили ва адабиёти, қорақалпоқ тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, қозоқ тили ва адабиёти, хорижий тил, миллий гоё, маънавият ва ҳуқуқий таълим асослари, бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иши, мактабгача таълим, жисмоний маданият ва меҳнат таълими йўналишлари бўйича, магистратурада эса таълимда ахборот технологиялари, биология, тарих, ижтимоий педагогика, психология, ўзбек тили, ўзбек адабиёти, бошланғич таълим каби мутахассисликлар бўйича таълим олишлари мумкин.

маслаҳат жадвали, эълонлар, йўналиш ва мутахассисликларнинг таълим стандартлари ҳамда уларнинг фаолияти акс эттирилган банерлар билан безатилган. Шунингдек, абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарини қабул қилиш хоналари тартиб билан жиҳозланган, мутасадди, тегишли ташкилот ва ҳуқуқ-тартибот идораларининг ишонч телефонлари ёзиб қўйилган жадваллар айрим юзга келган кичик тушунмовчиликларга тезда жавоб олиш имконини яратган. Узоқ жойдан келган абитуриент ва уларнинг ота-оналари учун институт талабалар уйидан махсус хоналар ажратилган.

Биология таълим йўналишида ўқиш ниятида ҳужжат топшириб чиқаётган абитуриент Гулноз Бекимбаева ни суҳбатга тортганимизда, у қабул жараёнида ҳеч қандай қийинчиликлар бўлмагани, бу ердаги хизматлар ва турли эълонлар факультетлар ҳақида тўлиқ маълумотлар бериш баробарида институт ҳақидаги тасавурларини янада кенгайтирганини айтди.

Илья ДИЛЬМАНОВ,
журналист

ОРОМГОҲЛАР ҚУЧОҒИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Таниқли ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар билан учрашувлар қизиқарли ўтмоқда.

Олтиариқ туманидаги «Юлдуз», Фарғона туманидаги «Тонг» оромгоҳларида ўтказилган ана шундай тадбирлар ёшларга бир олам қувонч бағишлади.

Ёзёвон туманидаги Иштирхон қишлоғида жойлашган «Гулшан» болалар оромгоҳида 200 нафар ўғил-қиз ҳордиқ чиқармоқда. Лойиҳанинг қатор тадбирлари бу ерда ҳам кўтаринки руҳда ташкил этилди. Интерфаол усулдаги ўйинлар, спорт мусобақалари барчага манзур бўлди.

— Бу ердаги ҳар бир кунимиз мароқли ўтмоқда, — дейди Камола Юнусова. — Айниқса, «Камалак» ташкилотининг қизиқарли семинарлари, шоир ва ёзувчиларнинг ташрифи, улар билан учрашувлар барчада катта қизиқиш уйғотмоқда.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири

ТОҲИРНИНГ ЯНА БИР ЮТУҒИ

Тоҳир Асқаров Глиэр номидаги республика ихтисослашган академик лицейида таҳсил олади. Ёшлигидан мусиқага меҳр қўйган истеъдодли йигит устозларидан фортепиано ижросининг сир-асрорларини кунт билан ўрганди. Изланишлар, тинимсиз қилинган меҳнат бирин-кетин унга муваффақиятлар эшигини оча бошлади. 2007 йили «Санъат

хир яна Италия сафарига отланди ва юртимизга халқаро танловнинг 2-ўрини лауреати сифатида қувонч билан қайтиб келди. Яқиндагина эса у Германиянинг Берлин шаҳрида уюштирилган IV халқаро танловда 2-ўринни эгаллаб, илм даргоҳи, она-Ватанимиз шарафини дунё узра яна бир бора овоза қилди.

— Тоҳир айна кунда 7-синфда таҳсил олаётгани, — дейди илм даргоҳи директорининг

тироки билан у фахрли 3-ўринни эгаллашга эришди. Бу ютуқ уни янги-янги ижодий уринишларга қўл уришига бир зина бўлди, десак муболага бўлмас.

Маҳоратли мураббия Ирода Ибрагимова раҳбарлигида қатор мусиқий асарлар ижроси устида қайта-қайта ишлаб, ўзидаги яширин имкониятларни юзга чиқаришга эриша олган ёш иқтидор соҳиби шу йили Италияда бўлиб ўтган халқаро танловда 2-ўринни забт этди. 2008 йили Грецияда анъанавий тарзда ташкил этиб келинаётган халқаро танловдаги иштироки эса нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланиб, уни фахрли 1-ўрин соҳиби этди. 2009 йили То-

мусиқа ишлари бўйича ўринбосари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Жаҳонгир Иброҳимов. — У устози Ўзбекистон давлат консерваториясининг профессори Марат Умаров раҳбарлигида янги кўйлар ўрганишга, истеъдодини меҳнат ва сабр-тоқат билан тарбиялашга эришаётган ёшларимиздан. Эътироф этишимиз жоизки, 2009-2010 ўқув йили давомида 27 нафар ўқувчиларимиз турли халқаро миқёсдаги танловларнинг голиблари бўлди. Бу эса бугун иқтидорли ёшларимизнинг камолатига ҳуқуқимиз томонидан катта ғамхўрлик кўрсатилганлигининг маҳсулидир.

О.МУРОДУЛЛАЕВА

МАРД ЁРДАМГА ҚОДИР БЎЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Айна пайтда уларга биринчи галда зарур бўладиган шароитлар яратилди. Аввало, болалар эмланди, ҳомиладор аёллар аниқланиб, улар учун алоҳида тиббий хизмат кўрсатила бошланди. Ўша кун кўчиб келганлар жойлашган ён-атрофдаги маҳаллалардан кўрпачи, идиш-товоқ ҳамда турли овқатларни пишириб олиб келган одамларнинг адоғи йўқ эди.

Бир сўз билан айтганда, қишлоғимиз аҳли қисқа вақт ичида, бир ёқадан бош чиқариб, 12 кун давомида жабрдийдаларга кечаю кундуз бағрикенглик, чуқур ҳамдардлик билан хизмат қилишди. Худудимизда ўз шахсий машиналарида одамларнинг узоғини яқин қилаётган қишлоқдошларимиз беморларга беминнат ёрдам кўрсатиб, уларни касалхоналарга элтишда фаол иштирок этишди.

Ўйлаб қоламан, шу қисқа вақт давомида қилинган ишларни ташкил

этиш учун одатда ойлаб тайёргарлик кўрилади. Бу биз учун кутилмаган фавқуллодда ҳолат бўлгани учун одамларимизнинг шу заҳотиёқ бирдам бўлиб, сафарбарликка отлангани тезда ўз натижаларини берди: касаллар, яраланганлар даво топди, кўпчиликнинг кўнглидан кўрқув-вахима аригандек бўлди, уларда эртанги кунга ишонч уйғонди.

Тан олиш керак, фожиадан жабр кўрган бу одамлар ичида «Бизларни қандай қарши олар экан?», деган хаёлдаги кишилар ҳам бўлган экан. Улар ўзларига кўрсатилаётган эътибордан, меҳрибонликлардан беҳад миннатдор бўлиб, кўнглидаги меҳр сўзларини кўз ёшлари билан ифода этишди. Юртбошимизнинг жорий йил 18 июнь кун Бухоро вилоятига қилган сафари давомида Қирғизистонда содир этилган воқеалар муносабати билан телевидение орқали билдирган фикр-мулоҳазалари намойиш этилганида, уларда эртанги кунга ишонч ва умид янада кучайганини

сездик. Ўз юртига қайта туриб, давлатимиз раҳбари, муҳтарам Президентимиз Ислам Каримовга, биз — ўзбек халқига ўзларининг чексиз миннатдорликларини қайта-қайта изҳор этишди.

Шу ўринда мен яна бир эътиборли воқеани таъкидламоқчи эдим. Қочоқларга катталар қатори ён-атрофдаги мактаблар, коллежлар ўқувчилари ҳам жуда катта ёрдам кўрсатди. Бири ошпазга қарашган, бири чой қайнатган, яна бири оғир аҳволдаги қариялар ҳамда аёллар атрофида парвона. Шунда бир ўқитувчи сифатида, юртимизда баркамол авлод тарбияси йўлида олиб борилаётган катта кўламдаги ишларнинг яна бир амалий натижасини кўриб, хурсанд бўлдим.


Умуман, Президентимизнинг «Яна бир ҳақиқат шундан иборатки, ўз кучи ва келажагига ишонган халқнинг бағри кенг бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, ўзбек халқининг илдизлари бақувват, тарихи буюк, келажаги мустақкам-

дир. Бизнинг бошқа халқлардан фарқимиз шуки, бир томондан халқимиз жуда содда, бағрикенг — бир оғиз яхши гапга жонимизни беришга ҳам тайёрмиз. Биз ҳар томонлама бағрикенг халқимиз, ҳамдард халқимиз, ҳамдардликка тайёр халқимиз», деб айтган фикрларининг тасдиғини ўша кунлари маҳалламиздаги ҳар бир инсон тимсолида кўриш мумкин эди.

Биз — зиёлилар бўлиб ўтган воқеалардан тўғри хулоса чиқариб, ҳар қандай разиллик ва хунрезликдан қайтмайдиган, ер юзида жаҳолат ҳамда ваҳшийликни авж олдириш истагида юрган манфур кучларга ўзининг яратувчанлиги, эзгу орзу-мақсадлари, олижаноблиги, ақл-идроки билан муносиб қарши турадиган фидойи авлодларни тарбиялаб, вояга етаказишга бор куч ва имкониятларимизни сарфлашимиз керак.

Гулчеҳра ҲОШИМОВА,
Пахтабод туманидаги
26-мактаб директори

Ёш мутахассис мактабда иш бошлади. У гарчи назарий билимларни пухта эгаллаган, бир неча бор умумтаълим мактабларида малакавий амалиёт ўтаган бўлса ҳам, айрим мураккаб вазиятларда ечим топа олмай қолиши табиий. Зотан, педагогик маҳорат йиллар давомида тўпланадиган тажриба асосида юзига келади. Шу боис, ёш ўқитувчини кўп йиллик тажрибага эга устознинг қўллаб-қувватлаши муҳим аҳамиятга эга.



Юқори малакали кадрларни тайёрлашда замонавий технологиялар асосида илмий, психологик-педагогик билимлар беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, мутахассис таълим муассасасига боргач, уни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида "Устоз-шогирд" лойиҳасига жалб қилиниши эндигина иш бошлаган ёш ўқитувчи учун ўз қобилият ва имкониятларини юзага чиқаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Педагогик фаолиятини бошлаганига унча кўп бўлмаган ёш ўқитувчилар билан суҳбатлашганимизда, дастлабки одимларда уларга тиргак бўлган устоз-ўқитувчилар, қулай шарт-шароит ва ижобий муҳитнинг аҳамияти нақадар долзарб эканлигига амин бўлдик.

Гулбахор Жўраеванинг Андижон давлат университетининг филология факультетини тамомлаб, Булоқбоши туман халқ таълими бўлимига қарашли 2-мактабда иш бошлаганига бир йил бўлди. Бу давр ичида Гулбахор касб сирларидан бохабар бўлди, ўзи учун ўқитувчиликнинг янги қирраларини кашф қилди.

— Назарий билимларни амалиётга жорий этиш мутахассисдан катта маҳорат талаб этар экан. Мен бу ерда жамоа билан ишлашни ўргандим, инсон асосий вақтини жамоа орасида ўтказишни, кўпчилик орасида тарбияланиб боришини англадим, — дейди Г.Жўраева. — Турли хил дунёқарашга эга болалар билан ишлаш осон эмас. Уларнинг қалбига йўл топа олишда малакали ўқитувчиларнинг кўмагига суянишимга тўғри келди. Менга устоз-ўқитувчилар — Гулчеҳра Тожибоева, Мухаббат Ҳайдарова яқиндан ёрдам бериб, йўл-йўриқ кўрсатишди.

Ислонбек Боймирзаев ҳам ўтган йили Андижон давлат университетининг кимё-биология факультетини тамомлаб, шу мактабда иш бошлаган ёш ўқитувчилардан:

— Бир вақтлар мен ҳам шу мактаб ўқувчиси бўлганман. Педагогик жамоа ўз ўқитувчиларимдан иборат бўлгани учун улардан керакли маслаҳатларни олиб иш бошладим. Тўғри, дастлаб бирданига ишга киришиб кетиш анча қийин кечди. Аммо Бахтиёр

ЁШ МУТАХАССИС ФАОЛИЯТИ

ўқув йили давомида қандай кечди?

Раҳматуллаев, Муқаддас Жамолова, Авазбек Тошхўжаев каби тажрибали устоз-педагоглардан ўқувчиларга сабоқ бериш сирларини ўргандим.

Маълумки, кимё-биология дарсларида амалий машғулотлар кўпроқ ўтказиб турилиши лозим. Мактабимиз яқиндагина Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумийлиги дастури доирасида капитал реконструкция қилингани туфайли барча фан кабинетлари сингари кимё-биология хоналари ҳам янги ўқув дастгоҳлари, кўргазмалар курол ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланди. Зеро, амалий машғулотларнинг янги шароитларда ўтилиши педагог учун ҳам, ўқувчи учун ҳам мароқ бағишлайди.

Туманимиз мактабларида мен сингари ёш ўқитувчилар кўпчиликни ташкил этади. Биз тез-тез ташкил этилган семинарларда тажрибали мутахассислардан маслаҳатлар олдик. Айниқса, бирктирилган синф билан ишлаш, ўқувчилар қизиқишларини ўрганиш борасида тажриба алмашиб, касб маҳоратига оид қўллаб-масалаларда баҳслашдик. Дарс ўтиш жараёнида ўзимни эркин ҳис қилиш учун жамоанинг бизга бўлган ишончи, эътибори мадад бўлди, десам адашмайман.

Ёш педагоглар фаолиятини мактаб раҳбари Марҳабо Фофурова шундай баҳолайди:

— Ҳали ёш, аммо билимли, изланувчан ўқитувчилар дарсларни интерфаол усулда намунали ташкил этиш маҳоратига эга. Таълим даргоҳимизнинг вилоятдаги намунали мактаблар қаторидан ўрин олишида Гулбахор Жўраева ҳамда Ислонбек Боймирзаев сингари ёш ва умидли педагогларнинг ҳиссаси катта.

Бу фақат биргина мактабдаги ёш педагоглар ҳақидаги эътироф. Вилоятнинг бошқа мактабларида ҳам эндигина

биринчи ўқув йилини тугатиб, шу касбда озгина малака ҳосил қилган иқтидорли ўқитувчилар кўпчиликни ташкил қилади.

— Мен, Избоскан туманидаги 10-мактабда Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари фанидан дарс берман, — дея ўзини таништирди ёш ўқитувчи Ойжамол Каримова. — Ўтган йили Андижон давлат университетининг магистратура босқичини тамомлаб, шу мактабга ишга келдим. Ўтган бир йил мен учун ўрганиш, изланишлар даври бўлди, шуни англадимки, ўқитувчи ҳар доим билим олиши, изланиши лозим экан. Фақат дарсликдаги маълумотлар билан чексиз ахборотлар ичида яшаётган бугунги ўқувчини қаноатлантириб бўлмайди. Уларга янги гап, бири бирини такрорламайдиган ўзига хос дарс керак. Шу ўринда мактабимизнинг тажрибали география ўқитувчиси Илҳомжон Ҳамдамовнинг менга кўрсатган ёрдамларини айтиб ўтмоқчиман. Бир неча бор устознинг дарсларини кузатдим, улар жуда жонли, ҳеч бир ўқувчи эътибордан четда қолмайди.

Муаллимлар жамоаси, раҳбариятнинг ёрдами билан "Очиқ дарслар фестивали"да "Хулқ-одоб — маънавият негизи" мавзусидаги дарсим билан иштирок этиб, туманда 1-ўринни эгалладим ва фестивалнинг вилоят босқичида иштирок этдим. Мактабдаги ҳар бир кун ёш муаллим учун сабоқ бўлиши мумкин. Хусусан, бу йил келган ёш ўқитувчилардан уч кишига синф раҳбарлигини ҳам ишониб топширишди. Бу борада ҳам тажрибали муаллимлардан иш юритишни ўргандик. Синф раҳбарлиги ҳам қизиқ, ҳам масъулиятли вазифа экан. Ташкилий ишлар, ота-оналар билан ишлаш, ўқувчилар билан алоҳида муносабатлар

жуда кўп ўйлаб фикр юритишни талаб қиларкан. Дарсга тайёргарлик, методик кунни ташкиллаштириш, ўз устимизда ишлаш ҳам доимий вазифамиз. Шу боис устозларнинг ёрдами ва маслаҳати билан барчасига улгуришга ҳаракат қилаяпмиз.

Ана шундай ташаббускор, вужудидан ғайрат ва иштиёқ ёғилиб турган ўқитувчилардан яна бири Абдумалик Мамажоновдир. У ўтган йили Андижон давлат университетининг кимё факультетини тамомлаб, шу мактабга ўқитувчи бўлиб келди:

— Билим масканимиз тумандаги таянч мактаблардан бири. Муаллимлар жамоасининг ҳамжиҳатлиги, ёш ўқитувчиларга эътибор кўпчиликнинг ҳавасини келтиради. Ўтган бир йил менинг ўқитувчилик ҳақидаги фикрларим анча содда эканлигини кўрсатди. Бугунги муаллим нафақат ўз фани, балки бошқаларидан ҳам оз бўлса-да хабардор бўлиши шарт экан. Фаолиятим давомида ўзим тенги ёш муаллимлар ишини кузатиб, барчамизда умумий бир камчилик борлигини пайқадим. Бу — биз талабалар даврида унчалик ҳам эътибор беравермайдиган мактаб иш ҳужжатларидир. Синф журнали юритиш, ўқувчилар ҳаракати, уларни рўйхатга олиш каби ишларни бажаришда мен каби кўплаб ёшлар анча қийналади. Шу боис, педагогика олий ўқув юрларида халқ таълими тизимида ҳужжат ишларини юритиш тартиби ҳақида ўқув курслари ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

Зулфия Ибрагимова ҳам ушбу мактабда физика фани ўқитувчиси сифатида ўтган йили ўз фаолиятини бошлаган:

Kuzatuv

— Бир йиллик фаолиятимдан олган хулосаларим шу бўлдики, муаллимнинг обрўсини оширадиган, ўқувчилар ҳурматини қозонадиган жиҳат — бу билим экан. Ўқитувчи ўз фанини пухта биладиган, дарсларда янгиликни қўллаб оладиган бўлса, муваффақиятлар салмоғи ортаверади. Менимча, мактабда ёш кадрлар фаолиятини мувофиқлаштирадиган, уларга ёрдам берадиган, камчиликларини кўрсатиб турувчи тажрибали муаллимни ажратиш керак. Айни пайтда фаолият юритаётган "Устоз-шогирд" лойиҳаси биз ёш муаллимлар учун катта ёрдам берапти.

— Кутубхона, қўшимча адабиётлардан фойдаланиш ўқитувчи дарсининг мукамаллигини ошириш билан бирга савияси ва маҳоратига ҳам ижобий таъсир кўрсатади, — дейди шу мактабнинг олий тоифали география фани ўқитувчиси, "Устоз-шогирд" ҳаракатида фаол иштирок этаётган Илҳомжон Ҳамдамов. — Мен барча ёш ўқитувчиларга вақтли матбуотдан самарали фойдаланишни доимо тавсия этиб келаман. Мақола, дарс ишланмаси ёки дарс мавзусига оид кичкина ахборот тайёрлаш ҳам муаллимдан анчагина меҳнат талаб қилади. Шогирдим Ойжамол Каримова матбуот билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйган. Ўтган фурсат мобайнида у туман, вилоят газеталарида ўз фани юзасидан бир неча мақола ва дарс ишланмасини эълон қилишга улгурди.

— Мактабимизда ўтган ўқув йилида иш бошлаган ёш муаллимлар фаолиятини таҳлил қилиб шуни айтиш мумкинки, — дейди мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Иброҳимжон Содиқов, — ёшларимиз бундан беш-олти йиллар олдинги ўқитувчилардан билими, савияси, ҳаракатчанлиги билан фарқ қилади. Улар фаолиятлари давомида янгиликка интилувчанлиги, жамоат ишларида, турли фан кечалари, қизиқарли тадбирлар уюштиришдаги фаолликлари билан ажралиб турди.

Шунингдек, бугун халқ таълими тизимида таълим мазмунини такомиллаштириш, дарслар самарадорлигини ошириш биринчи галдаги вазифа деб белгиланган экан, ҳар бир муаллим бунга ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим. Ёш педагоглар фаолиятидаги умумий жиҳатлар — ўқувчилар руҳиятини ҳали тўлиқ билмаслик, индивидуал ёндашув, болаларни дарсга жалб қилишда турли ноанъанавий усуллардан фойдалана олмаслик каби умумий камчиликлар ҳам борки, уларни келгусида бартараф этиш учун астойдил ишлаши лозим. Тўғри, бир йил катта давр эмас. Шундай бўлса-да умрнинг ҳар бир дақиқасидан самарали фойдаланиш эртанги муваффақият гаровидир.

Орифжон СИДДИКОВ,
Умида ЮСУПОВА
Андижон вилояти

Дарслик — ўқувчининг ҳамроҳи. У илму толибни ҳаминиша билимга, ўқиб-ўрганишга даъват этиб туради. Шу боис ҳар бир ўқувчининг умумтаълим фанлари бўйича барча дарсликлар билан таъминланган бўлиши таълим самарадорлигини оширувчи омиллардандир. Зотан, ўқувчи дарс машғулотида ўқитувчисидан ўрганганларини уйда дарсликлар орқали қўшимча ўқиб, билимларини янада мустаҳкамлаш имконига эга бўлади. Шу маънода «Умумтаълим мактабларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президентимиз қарорининг аҳамияти катта. Мазкур қарор ижроси асосида бугун ўқувчи ва ўқитувчилар дарслик ҳамда қўшимча зарур ўқув қўлланмалари билан тўлиқ таъминланмоқда. Тажриба-синовда синалган дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизими қўлланаётгани эса катта самара бермоқда. Бугун ушбу тизимнинг тўла маънода ўзини оқлаганлиги кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилмоқда.

Фарғона вилоятида якунига етган ўқув йилида мавжуд 2—9-синфлар бўйича 414256 нафар ўқувчи ижара дарсликлари билан таъминланди. Белгиланган ижара тўлови тушум режаси 100 фоиз бажарилди. Шунингдек, 56431 нафар кам таъминланган оила фарзандларига дарсликлар бепул берилди.

Ўқувчиларни ижара дарсликлари билан таъминлаш, мазкур тизимнинг таълим-тарбия жараёнига ижобий таъсири, ота-оналар, педагогларнинг бу жараёнга муносабати, қолаверса, кам таъминланган оила фарзандларининг дарсликлар билан бепул таъминланишига Марғилон шаҳридаги мактабларда ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Шаҳардаги 1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ва 2-умумтаълим мактабида жорий ўқув йилида дарсликлар таъминоти билан боғлиқ барча масалалар ўз вақтида ҳал қилинди.

1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби истиқлолга тенгдош ўқув маскани ҳисобланади. Ўтган қисқа давр ичида ушбу даргоҳни битириб чиққан ўқувчилар мамлакатимизнинг энг нуфузли олий ўқув юрглари талабаларига айланиб, устозлари ишончини оқлаётганликлари мактаб нуфузини тасдиқловчи далилдир.

Ўқувчиларимизнинг барчаси якунига етган ўқув йилида сифатли дарсликлар билан таъминланди, — дейди мактаб раҳбари Музаффархон Саидумаров. — Ҳар йили ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланиш масаласига алоҳида эътибор қаратамиз. 2—9-синфларда мавжуд 628 нафар ўқувчи дарслик тўпламлари билан тўлиқ таъминланди. Ота-оналар томонидан берилган ижара тўловини йиғиб олиб, «Агробанк» ҳисоб рақамига ўтказишга эришдик.

Мактабда ижара тизимининг моҳияти, ундан кўзланган мақсад ҳақида ота-оналар ўртасида йил давомида тушунтириш ишлари олиб борилгани натижасида улар томонидан ижара тўловлари ўз вақтида тўланиб, шартномада белгиланган вазибалар, яъни бир йил давомида дарсликлардан самарали фойдаланган ҳолда унга зарар етказмасдан сақланишига эришилмоқда.

Менинг икки нафар фарзандим шу мактабда таълим олади, — дейди ота-оналардан бири Гулруҳ Асомиддинова. — Ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизими ўта пухта ўйланганлигини янада чуқур ҳис этдик. 3-синфда ўқийдиган ўғлим Ҳожиакбарга атиги 5760 сўм, 9-синф ўқувчиси бўлган Темурмаликка эса 8710 сўм ижара тўлови тўладик, холос. Агар бу дарсликларни савдо дўконларидан сотиб олганимизда 55000 сўмдан ортиқ харажат қилган бўлар эдик. Масалага янада кенгроқ ёндашсак, бу рақамларни мактаб бўйича ижарага берилган 628та

ДАРСЛИКЛАРНИНГ ИЖАРА ТИЗИМИ:

қулай, арзон ва афзал

дарслик тўплами бўйича таҳлил этсак, оилалар бюджетига қанча миллион сўмлик фойда келтириляётганини тасаввур қилиш қийин эмас. Давлатимиз томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган бундай эзгу мақсадларни биз ота-оналар чуқур тушунамиз.

Ижарага бериладиган дарсликларни сақлаш масаласи ҳам мактаб педагогик жамоасининг диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Мактаб кутубхоначиси Муҳайёхон Мадраҳимова бошчилигида «Кутубхона шифокорлари» тўғраги фаолият кўрсатиб келмоқда. Тўғрақ аъзолари ўқув йили давомида ўқувчилар қўлидаги мазкур дарсликларни ва ўқув қўлланмаларини изчил равишда назоратга олганлар. Дарсликларни жуда яхши сақлаб келаятган, улардан унумли фойдаланаётган ўқувчилар аниқланиб, моддий-маънавий рағбатлантирилмоқда. Ўтган ўқув йилида 6-«А» синф ўқувчиси Зарнигор Абдуқайумова, 5-«А» синф ўқувчиси Муҳаммадиёр Маҳмудов ўзларига берилган ижара дарсликларидан оқилона ва сифатли фойдаланганликлари, дарсликларини аъло даражада сақлаганликлари учун танлов ғолибига айланди. Ушбу ўқувчиларнинг намунаси барча ўқувчиларда дарсликни сақлаш, ундан фойдаланишга муносабатнинг ижобий томонга ўзгаришига сабаб бўлди.

Ўтган ўқув йилида ижарага берилган 6-синф «Тарих» дарслигининг 2тасида нашр жараёнида йўл қўйилган айрим жузъий камчиликлар назоратчи ўқувчиларимиз томонидан аниқланди, — дейди кутубхоначи М.Мадраҳимова. — Ҳолат юзасидан тегишли далолатнома тузиб, Халқ таълими вазирлигига жўнатдик.

Кутубхоначининг таъкидлашича, ижара тизими қулайлик туғдиргани, оила бюджетига фойда келтираётгани, ўқувчи ва ота-оналарда

Qaror va ijro

китобга нисбатан масъулият ҳиссини ошираётгани катта аҳамият касб этмоқда.

Шаҳардаги 2-умумтаълим мактабида ижара тизимининг намунали йўлга қўйилгани ўқув йилининг муваффақиятли якунланишида муҳим омил бўлди.

— Шаҳардаги мавжуд 34та умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактабларда ўтган ўқув йилида жами 26983та дарслик тўплами ижарага тарқатилди, шу жумладан, 3598та дарслик тўплами кам таъминланган оила фарзандларига бепул берилди. Белгиланган муддатда ижара тўловлари тушумидан тушган 136 млн. 805 минг сўмдан зиёд маблағ тегишли банк ҳисоб рақамига топ-

ширилди. Бу ота-оналаримизнинг ижара тизими моҳиятини тўғри тушуниб етганликлари натижасидир, — деб изоҳлайди шаҳар ХТБ муdiri Назирахон Расулова.

Мактаб кутубхоначиси Майрамхон Усмоновнинг таъкидлашича, якунига етган ўқув йилида 776та дарслик тўплами ижарага берилган. Ота-оналардан йиғиб олинган ижара тўлови янги ўқув йили бошлангунга қадар банк ҳисоб рақамига ўтказилган.

Мактабда 92 нафар кам таъминланган оила фарзандлари таълим олади. Улар отаси ёки онасидан айрилган ёки ота-онаси ногирон, ёки ўзганининг қарамоғидаги болалардир. Ижара дарсликларининг уларга бепул берилиши мамлакатимизда инсонпарварлик сиёсати олиб бориляётганини ифодалайди.

— Набирам Соибжон Собиров шу мактабда ўқийди, — дейди ўқувчининг буви М.Содиқова. — У менинг қарамоғимда яшайди. Унга бепул дарсликлар берилгани учун давлатимиздан жуда миннатдорман. Агар шундай қилинмаганда, барча дарсликларни унга сотиб олиб беришга имкониятим бўлмасди. Набирамга доим: «Китобларингни кўз қорачиғингдай асрагин», деб тайинлайман.

Шаҳар мактабларидаги 3598 нафар кам таъминланган оила фарзандларига жорий ўқув йилида ижара тизими доирасида 23 млн. 269740 сўмлик дарсликлар тўплами давлатимиз ҳисобидан бепул берилгани ёш авлодга кўрсатиляётган ғамхўрликнинг ёрқин намунаси, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Зеро, мустақил Ўзбекистонда амалга ошириляётган барча ислохотлар замирида юрт келажиги бўлган ёш авлодни баркамол шахс қилиб вояга етказишдек эзгу мақсад ётади.

Баҳодиржон ШОКИРОВ,
«Ma'rifat» мухбири

ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР ФОЙДАСИ

Пахтакор туманидаги «Тулдас-та» номли 5-маҳсус соғломлаштириш мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари давра-сида бўлганимизда, кичкинтойлар ривожланиш жараёни тўғри ташкил қилинаётганига ишонч ҳосил қилдик. Тарбиячи Кумуш Қобилова раҳбарлик қилаётган «Камолот» гуруҳида соғлом муҳит яратилган. Тарбиячи ясаган «Севимли ўйинчоқлар» коллекциясидаги «Тулки ва турна», «Қувноқ одамлар», «Туяқуш» каби кўплаб ҳаракатли ўйинлар кичкинтойларнинг сўз бойлигини ошириш ҳамда қўл моторика-

Maktabgacha ta'lim muassasalarida

сини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. «Сичқон мушукдан қандай қутулди?», «Қайси ҳайвонлар қаерда яшайди?» каби мантқиқий ўйинлар ҳам болаларни зеҳни ва топқир бўлишга ундайди, математик саводхонлигини оширади.

— Бундай ҳаракатли ўйинларнинг тарбиявий аҳамияти катта, — дейди МТМ мудираси Зулхумор Тўраева. — Тарбиячи эртақ қаҳрамонлари ҳақида сўзлаганда болалар ҳам иштиёқ билан турли ҳаракатлар ёрдамида ролга кириб, фаоллашади.

Мана, ўн икки йилдирки, тарбиячи Кумуш Қобилова шу МТМда болажонларнинг шўх ва шодон ўйин-кулгилари билан ҳамнафас. Услубчи Феруза Кўшоқова, логопед Гавҳар Нормуҳаммедова, тарбиячи Зухра Йўлдошева ва Ойша Очилова унга камарбаста.

Биринчи тоифали педагог К.Қобилова туман ва вилоят танловларининг фаол иштирокчиси сифатида танилган. 2009 йили унинг мактабгача таълим муассасаларида нутқида нуқсон бўлган болалар учун яратган таълимий, методик ва мусиқий ўйинчоқлари вилоят халқ таълими бошқармаси мутахассислари эътиборига тушди. Бу йил эса у «Севимли ўйинчоқлар» кўрик-танловининг вилоят босқичида фахрли учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Айни пайтда тарбияланувчиларнинг ушбу сўлим ва баҳаво соғломлаштириш оромгоҳида мазмунли дам олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Бундан икки йил муқаддам тadbirkor Ақром Баёзов, фермер Рустам Қодировнинг саъй-ҳаракатлари билан уч километрлик масофадан тоза ичимлик суви олиб келиниб, минг тупга яқин шотут, гилос, ток, анор каби мевали дарахт кўчатлари ўтқазилган эди. Ҳозир улар кўкка бўй чўзиб, боғчага файз улашмоқда. Ҳаммасидан ҳам чаманзордан таралаётган анвойи гуллар ҳиди, шилдираб оқаётган зилол сув барчанинг дилига ором бағишлайди.

Абдулла САИДОВ,
Жиззах вилояти

Комилликка бўлган интилиш узлуксиз жараён. Шу маънода Самарқанд давлат тиббиёт институтида баркамол авлодни тарбиялаш борасида бир қатор амалий ишлар қилинмоқда. Институт бўйича иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими ташкил қилинган ва унга жамоанинг етакчи профессорлари бириктирилган. Бу бўлим институт кафедралари ва лабораторияларида иқтидорли талабалар билан олиб борилаётган илмий изланишларни мувофиқлаштириб келади.

Институтда талабаларнинг илмий тадқиқотчиликка қизиқишини уйғотиш биринчи босқичдан бошланади. Бунда таълим муассасасида фаолият олиб бораётган илмий тўғарақларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

Ҳар ўқув йили давомида институт миқёсида иқтидорли талабалар илмий анжумани ўтказилади. Жумладан, 2010 йил март ойида ўтказилган ёш олимлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий анжумани «Баркамол авлод йили»га бағишланди. Унда тиббиётнинг турли йўналишларида 70дан ортиқ илмий маърузалар ўқилди. Айниқса, магистрлардан С.Давлатов, Л.Давронова,

ИЛМИЙ ТЎҒАРАҚ САБОҒИ

талабаларни янги тадқиқотларга ундамоқда

ёш олимлардан М.Алиев, Ф.Маҳмудовнинг маърузалари йиғилганларда яхши таассурот қолдирди ва кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлди. Энг мазмунли ва юқори даражада бажарилган илмий ишлар муаллифлари — ёш олимлар ва талабалар рағбатлантирилди.

Талабаларнинг илмий изланишга бўлган қизиқишини янада орттириш мақсадида илмий анжуман иштирокчиларининг мақолалари тўплам шаклида нашр қилинди. Ана шундай йўналишдаги ишлар иқтидорли талабаларнинг илмий фаолиятига ижобий таъсир қилиши шубҳасиз. Натижада уларнинг кўпчилиги номзодлик диссертацияси мавзусида илмий изланиш олиб бориш истакларини билдирмоқда.

Кейинги йилларда юқори босқич иқтидорли талабаларига номзодлик диссертацияси мавзularи устида илмий тадқиқотларни олиб боришга йўллаш ижобий самара бермоқда.

Институтда иқтидорли та-

ринли ўринларни эгаллаб келишяпти. Мисол учун, 2010 йил Москва шаҳрида бўлиб ўтган иқтидорли талабалар халқаро илмий анжуманида кафедра илмий тўғарақ аъзолари — Б.Сатторов, Ш.Элмуродов, Н.Дониёров, Ш.Юсупов илмий маърузалар билан иштирок этиб, биринчи даражали диплом ва олтин медаль билан тақдирланди. Бундай ижобий ишлар талабаларнинг баркамоллик сари дадил қадам ташлаётганлиги белгисидир. Бу иқтидорли талабалардан келгусида етук олимлар чиқиши шубҳасиз.

Ўзбекистон Президенти стипендияси совриндори бўлиш бахти институт иқтидорли талабаларидан Х.Бегматовга насиб этган. Ибн Сино номидаги давлат стипендияси Г.Абдуллаева,

Ю.Балоян, Д.Тугизова каби аълочи ва фаол талабаларга берилди. Республика «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши томонидан ўтказилган нуфузли танловда талабалардан А.Муталибов, Г.Аҳмедова иштирок этиб, голибликни қўлга киритди.

Институт миқёсида узлуксиз тизим сифатида олиб борилаётган кўп қиррали ишлар самараси ўлароқ, ҳозирги пайтга келиб 40 нафардан ортиқ иқтидорли талаба, магистрларнинг илмий мавзularи тасдиқланган ва номзодлик диссертациялари устида муваффақиятли иш олиб борилмоқда. Кувонарлиси шундаки, илм ўрганишга бўлган интилиш ёшларимиз орасида йилдан йилга ортиб бормоқда. 2009-2010 ўқув йили ҳисобидан магистратуранинг муваффақиятли битирган 11 нафар ёшларимиз пойтахтдаги тиббий илмий марказларга мақсадли аспирантурага юборилди. Бу ҳам ёшларимизнинг комиллик сари қўяётган муҳим қадамидир.

Акбар ИМОМОВ,
Самарқанд давлат тиббиёт институти тиббий психология кафедраси профессори, тиббиёт фанлари доктори

2010-yil — Barkamol avlod yili

лабалар билан илмий изланиш олиб бориш борасида энг намунали ва самарали ишлар профессор А.Шамсиев раҳбарлик қилаётган госпитал болалар жарроҳлиги кафедрасида ташкил этилган, десак муболага бўлмайди. Кафедрода фаолият кўрсатаётган иқтидорли талабалар илмий тўғарақ аъзолари ҳар йили хорижий мамлакатлардаги тиббиёт институтларида ўтказиладиган нуфузли анжуманларда фаол иштирок этиб, сов-

ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ

Fikr



Халқимиз азалдан нонни қадрлаб, унинг ушоғини ҳам увол қилмасликка алоҳида эътибор қаратиб келган.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда галла мустақиллигига эришиш устувор вазибалардан бири қилиб белгиланди. Халқимиз дастурхонини бугуннинг аъло навларидан тайёрланган ун маҳсулотлари билан тўқин қилиш бўйича жуда кўп ишлар қилинмоқда. Бу каби маълумотлардан ўқувчиларни ўз вақтида хабардор қилишимиз лозим.

Дарҳақиқат, ноннинг бизда бу қадар эъзозланиши бежиз эмас. Биринчидан, нон тўйимли, юқори калорияли маҳсулотлар сирасига кириб, кунлик сарфланадиган тана энергиясининг 30 фоизини қоплайди. Бу неъмат таркибидаги В витаминлари гуруҳи В, витамини углеводлар алмашинуви ва асаб тизими фаолиятини нормаллаштиради, В₂ эса болаларнинг ўсишида жуда муҳим витамин саналади. Шунингдек, нон организмни минерал моддалар ва микроэлементлар билан таъминловчи муҳим манба ҳисобланади. Унинг таркибида калий, кальций, магний, натрий, фосфор, темир, олтин, кобальт, мис моддалари етарли миқдорда учрайди. Нон таркибида бош мияда «яхши кайфият гормони» — сератонин ишлаб чиқишда фаол иштирок этувчи триптофан аминокислоталари

мавжудлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Немис олимларининг таъкидлашларича, барча нон турлари склероз, йўғон ичак ва саратон касаллигининг келиб чиқишига тўсқинлик қилувчи антиоксидантларга бой экан. Ушбу қадрли неъматнинг энг фойдали қисми қобиғидир. Шунинг учун кичик ҳажмли нон маҳсулотлари кўпроқ фойдали саналади.


Қора нон жавдан ундан тайёрланади. Йирик тортилган жавдан унли нон қандли диабет ва озишда парҳез сифатида фойдалидир. У ингичка ва йўғон ичак фаолиятини мўтадиллаштиради, колит (йўғон ичак яллиғланиши), қабзиятдан сақланишга ёрдам беради. У, шунингдек, депрессия (огир рухий тушкунлик)га қарши ҳам тавсия қилинади.

Олий нав ундан тайёрланган нон (у соф крахмалдан иборат бўлади) ортиқча вазн йиғилишига сабаб бўлади. У ошқозонда жуда тез глюकोзага парчаланиб, қонга сўрилади ва ундаги инсулин миқдорини оширади. Инсулин эса иштаҳани янада оширади. Шу сабабли парҳезиunosлар кўпроқ йирик янчилган ундан тайёрланган нонни истеъмол қилишни тавсия этадилар.

Бошланғич синф ўқувчиларига масаланинг айнан шу жиҳатларини инобатга олиб, ноннинг халқимиз томонидан эъзозланиши, унинг организм учун фойдали томонла-

рига ҳам аҳамият қаратиб, ўқув йили мобайнида айрим фанлардан яхши натижаларга эришдик. «Ўқиш», «Одобнома»дан сабоқ бераётиб, ушбу азиз неъматга бағишланган ибратли ҳикоя, мақол ва ҳикматли сўзлар, сахна кўри-

лар, бошланғич синф ўқувчиларида ҳар бир неъматни қадрлашни ўргатади. Айниқса, ноннинг қандай тайёрланиши, унга сарфланадиган куч ва меҳнат тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлган бола унинг дастурхонга этиб келишига-



нишлари орқали бола онгига сингдиришга ҳаракат қилдик. Натижада ўқувчилар ноннинг эъзозланишини, уни ҳар куни етарли миқдорда истеъмол қилиш зарурлигини онгли равишда тушуниб етдилар.

Нон билан боғлиқ ҳар хил ривоятлар, у ҳақдаги ҳикматли сўз ва ибора-

ча кечадиган инсон меҳнати нақадар машаққатли эканини ҳис қилади. Бу уни келажакда ноннеъматларни асраб-авайлаш, бунинг учун ҳалол меҳнат қилишга ўргатади.

Рўзигул МАТКУБОВА,
Сергея туманидаги 317-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси

Мамлакатимизда ёшларга сифатли таълим бериш, уларни бугунги давр талабларига жавоб берадиган мутахассислар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўғил-қизларимиз мактаб, лицей, коллеж ва олий таълим муассасаларида умумтаълим фанлари, касб-ҳунар, мутахассисликка оид билимлар билан бир қаторда хорижий тилларни ҳам чуқур ўрганмоқда. Хусусан, инглиз тилини мукамал биладиган ёшларимиз тобора кўпайиб бормоқда.

Ҳар қандай тилни амалий жиҳатдан эгаллаш унинг грамматик қурилиши, тил бойлиги

ГРАММАТИКА — ТИЛ БИЛИШ АСОСИ

орқали амалга оширилади. Инглиз тилини тушуниш, ўз фикрини тўғри баён этиш учун аввало тилнинг грамматик механизмини ўрганиш зарур.

Инглиз тили грамматикасини ўрганишда ўқувчиларнинг лингвистик тажрибасини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, чет тилини ўрганишда, аввало, она тилини чуқур билиш талаб этилади.

Инглиз тили грамматикасини методик ташкил қилиш учун грамматик минимум танлашнинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилган. Нутқ фаолиятининг продуктив турлари учун ўта зарур бўлган ҳодисалар ана шу актив грамматик минимумга киритилади. Қолган барча грамматик ҳодисалар лексик йўл билан ўзлаштирилади.

Инглиз тилини ўрганишда ана шу жиҳатларга кўпроқ эътибор қаратиш, тил устида мунтазам ишлаш лозим. Ҳозирда таълим муассасаларида, хусусан, коллежларда ўқувчилар дардан ташқари тўғарақларда ҳам инглиз тилини чуқур билиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Шахло КАРИМОВА,
Тошкент банк коллежи ўқитувчиси

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасига йиғилган кенгаш аъзолари таълим тизимида амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислохотларни изчил давом эттириш эндиликда мазмун ва сифатга бориб тақалишини эътироф этар эканлар, бунда ўз фаолиятини бошлаш арафасида турган «Директорлар кенгаши»нинг ўрни муҳимлигига алоҳида урғу бердилар. Бошқарманинг шу йил 25 январда бўлиб ўтган ҳайъат қарори билан кенгаш намунавий иш режасининг тасдиқланиши истиқболдаги барча вазифаларни бамаслаҳат, бакамти ҳал қилишда муҳим асос бўлди.

нидан жорий қилинган бир қанча ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан иш олиб борилади. Семинарда «Мактаб директори лавозимининг малака тавсифлари асосида раҳбар масъулияти, иш юртишда «Меҳнат Кодекси»нинг ўрни, архив ишларини юртиш» мавзуи бўйича батафсил фикр юритилиши кўпчиликка манзур бўлди. Бу уларга назарий жиҳатдан

нинг энг муҳим ва асосий мазмунидир. Кўп йиллик тажрибамдан чиқарган ҳулосам — дарс таҳлили ҳар бир ўқитувчини руҳан ва маънан бойитади. У ҳамкасбидан ҳолисона баҳо олади. Айни пайтда ўзи ҳам кузатувчиларга тажрибасидан келиб чиқиб, услубий кўмак беради, — дейди Яккасарой туманидаги 73-умумтаълим мактаби

— Ҳар бир мактабдан ниманидир ўрганиш мумкин. Кенгаш аъзолари етакчилик қилаётган таълим даргоҳларида ўрганишга, оммалаштиришга арзийдиган тажрибалар бор. Шу маънода тажрибали мактаб раҳбарларидан захирага олинган кадрларнинг иш ўрганаётгани келгусида ўз самарасини бериши тайин. Мактаб раҳ-

ДИРЕКТОРЛАР КЕНГАШИ

Tajriba, sinov, natija

таълим-тарбия жараёнида яқин кўмакчи

Дарҳақиқат, таълим соҳасини мазмунан бойитиш, такомиллаштириш, юзага келган илғор тажрибаларни оммалаштириш механизмларини яратиш соҳа самардорлигини белгиловчи омиллардандир. Ана шу мақсадда Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси қошида «Директорлар кенгаши» иш бошлади.

Бевосита муҳтарам Президентимизнинг ташаббуси билан қабул қилинган «2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури» муваффақиятли ниҳоясига етказилиб, беш йил давомида Тошкент шаҳрида 247та мактабда қурилиш таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Уларнинг замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланиши ўқувчилар учун кенг имкониятларни яратди. Синфхоналарнинг шинам ҳолга келтирилиши, моддий-техник базанинг мустаҳкамланиши, таълимда янгидан-янги технологияларнинг қўлланилиши натижасида ўқувчилар билим самардорлиги кўзга ташланмоқда. Хусусан, ички мониторинг таҳлилларига кўра, ўқувчилар билим самардорлигида йилдан-йилга ижобий ўсиш кузатилмоқда. Демак, муваффақиятларни янада кўпайтириш, рейтинг кўрсаткичлари юқори бўлган таълим даргоҳлари сонини ошириш, ўқув ва тарбия жараёнини ташкил этишда оқсаётган умумтаълим муассасаларига амалий ёрдам кўрсатиш, маслаҳат бериш, захира кадрлар билан ишлаш каби масалалар кўндаланг турибдики, буларни кенгаш аъзолари гарданига юклаш айни муддао бўлди.

«Директорлар кенгаши» таркибига таълим даргоҳини кўп йиллардан бери бошқариб, у ерда муайян йўналиш бўйича ўзига ҳос илғор тажриба мактабини ярата олган раҳбарларнинг сайланиши мақсадга мувофиқдир. Тошкент шаҳридаги барча туманлардан энг тажрибали мактаб раҳбарларини ўзига бириктирган кенгаш ўз фаолиятини тўртта йўналишда ташкил этганини алоҳида таъкидлаш лозим. Булар — раҳбар кадрлар салоҳиятини оши-

риш, захирага олинган ёш мутахассислар билан ишлаш, мактабларда таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда жамоатчилик назоратини ўрнатиш, умумтаълим мактабларида ўқувчилар билимини ошириш, таълим сифатини такомиллаштириш, шаҳар миқёсида ўтказиладиган оммавий тадбирларни ташкил этишда бевосита иштирок этиш.

Албатта, таълим-тарбия жараёнини яхшилаш билан боғлиқ ишларнинг ана шундай яхлит шакл ва мазмунга эга бўлиши маълум маънода кенгаш аъзолари зиммасига катта масъулият юклайди. Жорий йилда Шайхонтоҳур туманидаги 324-мактабда «Директорлар кенгаши» томонидан 250 нафар захирага олинган мактаб раҳбарлари иштирокида ўқув семинарининг уюштирилиши юқоридаги муҳим вазифаларни бажаришда қўл келди. Мактаб раҳбари билан ишлаш жараёнида таълим даргоҳининг ютуқлари ва айни пайтда оғрикли жойларидан хабардор бўлиб келаётган захирадаги кадр ўқув семинаридан ўзини қизиқтирган саволларга жавоб топибгина қолмай, кўплаб янгиликлардан ҳам хабардор бўлди. Семинарда ижро интизоми, меҳнат қонунчилиги, методик-услубий, молиявий, мониторинг, малака ошириш каби шўбалар иш олиб борди. Кун мобайнида ҳар бир тумандан таклиф қилинган бўлғуси мактаб раҳбарлари ҳар бир шўба ишида иштирок этишга, ўз билим доираларини кенгайтиришга, фикр ва тажриба алмашишга муваффақ бўлдилар.

Семинар иштирокчиларига меҳнат қонунчилиги бўйича ахборот берган кенгаш аъзоси, Мирзо Улуғбек туманидаги 64-мактаб раҳбари Машхура Шоисаева ўз хулосаларини беради:

— Эндигина раҳбарлик лавозимига тайинланган мактаб директори, аввало, амалдаги меҳнат қонунчилигидан хабардор бўлиши лозим. Амалиётда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган, Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтган, Халқ таълими вазирлиги томо-

бир манба бўлса, масаланинг амалий жиҳати ҳам эътибордан четда қолмади. Раҳбарнинг бевосита иш столида туриши лозим бўлган эслатма барча иштирокчиларга тарқатилди. Бу тарқатма материалда амалдаги меҳнат қонунчилигининг энг муҳим 20та моддаси шарҳлаб берилган.

Мактабларда таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда жамоатчилик назоратини ўрнатишга «Директорлар Кенгаши» аъзолари жиддий масала сифатида



қарашмоқда. Кенгаш аъзолари томонидан умумтаълим мактабларида дарс таҳлиллари ўтказилди. Таҳлил шуниси билан эътиборга моликки, ўқитувчи маҳорати ёки унинг назаридан четда қолган масала ҳолис кузатувчи томонидан дўстона ўрганилади. Ўз ҳамкасби ҳақида тўлиқ ахборотга эга бўлмаган ўқитувчининг дарс таҳлили одилона ва беғараз бўлиши табиий. Ниҳоясига етган ўқув йилининг апрель-май ойларида шаҳардаги 7та туманининг 53та мактабидан ёш раҳбарларга методик ёрдам бериш мақсадида махсус тасдиқланган жадвал асосида синфлар давомати, ўқувчиларнинг ўқув қуроллари билан таъминланиш ҳолати ўрганилди. Кенгаш аъзоларининг белгиланган мактабларда дарс таҳлилларини ўтказиши, ўз шахсий хулосаларини умумлаштириб, «Директорлар кенгаши»га тақдим этиши илғор ва ташаббускор педагогларни аниқлашда, шунингдек, таълим жараёнида оқсаётган умумтаълим мактабларига амалий ёрдам кўрсатишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

— Дарс мактаб ҳаёти-

раҳбари Лutfия Саидова. Умуман олганда, «Директорлар Кенгаши» умумтаълим мактабларида ўқувчилар билимини ошириш, таълим сифатини такомиллаштиришнинг муҳим шартлари устида бош қотирмоқда. Бунда фаолият йўналишлари бўйича рейтинг кўрсаткичлари паст бўлган мактабларга ҳар томонлама кўмаклашиш, таълим самардорлигини ошириш учун таклифлар бериш, ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларининг Давлат таълим стан-

барини тайёрлаб берадиган таълим даргоҳи йўқ, у оддий ўқитувчининг йиллар мобайнида мактаб муҳитига мослашиши, таълим жараёнини пухта ва изчил ўрганиб бориши натижасида шаклланади. Демак, кенгаш раҳбар кадрларни тайёрлашга хизмат қилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Кенгаш фаолияти Бош бошқарма томонидан мувофиқлаштириб борилади. У ойда камидан бир маротаба ўтказиладиган ўз йиғилиши орқали амалга оширган ишлари ҳисоботини тақдим этади ва келгусидаги вазифаларини белгилаб олади. Бажарилган ишлар юзасидан ҳайъат йиғилишларида ҳисобот бериб боришмоқда. Туман халқ таълими бўлими мудирлари ҳузурда ўтказиладиган йиғилишларда вакиллар ҳам ҳисобот берадилар. Бундан ташқари, ҳар чоракда ўтказиладиган Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси йиғилишида ҳам кенгаш иши таҳлил этиб бориляпти. Якуний йиғилишда «Умумтаълим мактаблари фаолиятини баҳолаш мақсадида мактаб рейтингини аниқловчи кўрсаткичлар» ишлаб чиқилиб, таҳлилий маълумотнома тайёрланди.

Ҳар қандай тажриба ташаббус билан бошланади ва унинг янгилик сифатида жорий қилиниши соҳа ҳодимлари олдига улкан вазифаларни кўяди. Бинобарин, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси қиритиш қошида иш бошлаган «Директорлар Кенгаши» кўплаб янги лойиҳаларни амалга ошириш ташаббуси билан чиқмоқда. Жумладан, шу йилнинг август ойида «Ёш педагоглар мактаби» аъзолари билан учрашув уюштириш мўлжалланмоқда. «Энг яхши электрон дарс ишланмаси муаллифи» кўрик-танлови ўтказилишидан барча таълим даргоҳлари хабардор қилинган. Умид қилиш мумкин, янги 2010-2011 ўқув йилида кенгаш пойтахтимиздаги намунали умумтаълим мактаблари сонини кўпайтиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Хулқар ТҲЙМАНОВА,
«Ma'rifat» муҳбири

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг умумий ўрта таълим мактабларига 2006, 2008 ва 2009 йилларда берилган дарсликларини 2010 йилда утилизацияга топшириш рўйхати

T\p	Дарслик номи	Муаллиф	Синф	Таълим тили	Чоп этилган йили
1	Алифбе	Р.Сафарова ва б.	1	Ўзбек	2009
2	Ёзув дафтари	М.Фуломов	1	Ўзбек	2009
3	Она тили	Т.Гаффорова ва б.	1	Ўзбек	2009
4	Ўқиш китоби	Т.Гаффорова ва б.	1	Ўзбек	2009
5	Математика	М.Аҳмедов ва б.	1	Ўзбек	2009
6	Математика дафтари	М.Жумаев ва б.	1	Ўзбек	2009
7	Атрофимиздаги олам	А.Григорьянц	1	Ўзбек	2009
8	Одобнома	О.Ҳасанбоева	1	Ўзбек	2009
9	Мусиқа	Ҳ.Нурматов ва б.	1	Ўзбек	2009
10	Тасвирий санъат	Р.Ҳасанов	1	Ўзбек	2009
11	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	1	Ўзбек	2009
1	Букварь	М.Тохтаходжаева и др.	1	Рус	2009
2	Пропись	М.Тохтаходжаева и др.	1	Рус	2009
3	Русский язык	М.Тохтаходжаева и др.	1	Рус	2009
4	Книга для чтения	В.Кожуховская и др.	1	Рус	2009
5	Математика	М.Аҳмедов и др.	1	Рус	2009
6	Тетрадь по математике	М.Жумаев и др.	1	Рус	2009
7	Окружающий нас мир	А.Григорьянц	1	Рус	2009
8	Азбука этики	В.Костецкий и др.	1	Рус	2009
9	Музыка	Ҳ.Нурматов и др.	1	Рус	2009
10	Изобразительное искусство	Р.Хасанов	1	Рус	2009
11	Физическое воспитание	К.Маҳкамжонов и др.	1	Рус	2009
1	Алифбе (Элиппе)	А.Исабоев ва б.	1	Қозоқ	2009
2	Ёзув дафтари (Жазу улгиси)	М.Омаров ва б.	1	Қозоқ	2009
3	Она тили ва ўқиш китоби (Ана тили жэне Оқу китаби)	М.Омарўгли ва б.	1	Қозоқ	200
4	Математика	М.Аҳмедов ва б.	1	Қозоқ	2009
5	Математика дафтари	М.Жумаев ва б.	1	Қозоқ	2009
6	Атрофимиздаги олам (Айналаимиздаги элэм)	А.Григорьянц	1	Қозоқ	2009
7	Одобнома (Адеп)	О.Ҳасанбоева	1	Қозоқ	2009
8	Мусиқа	Ҳ.Нурматов ва б.	1	Қозоқ	2009
9	Тасвирий санъат	Р.Ҳасанов	1	Қозоқ	2009
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	1	Қозоқ	2009
1	Алифбе (Алифбо)	М.Лутфуллоев ва б.	1	Тожиқ	2009
2	Ёзув дафтари (Дафтари хуснихат)	З.Тоҳириён ва б.	1	Тожиқ	2009
3	Она тили ва ўқиш китоби (Забони модари ва китоби хониш)	А.Воҳидов ва б.	1	Тожиқ	2009
4	Математика	М.Аҳмедов ва б.	1	Тожиқ	2009
5	Математика дафтари	М.Жумаев ва б.	1	Тожиқ	2009
6	Одобнома	О.Ҳасанбоева	1	Тожиқ	2009
7	Атрофимиздаги олам	А.Григорьянц	1	Тожиқ	2009
8	Мусиқа	Ҳ.Нурматов ва б.	1	Тожиқ	2009
9	Тасвирий санъат	Р.Ҳасанов	1	Тожиқ	2009
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	1	Тожиқ	2009
1	Алифбе (Алиппе)	Б.Рисбекова ва б.	1	Қирғиз	2009
2	Ёзув дафтари (Жазуу дептери)	С.Рисбоев ва б.	1	Қирғиз	2009
3	Она тили ва ўқиш китоби (Эне тили жана оқуу китеби)	Қ.Абдуллаева ва б.	1	Қирғиз	2009
4	Математика	М.Аҳмедов ва б.	1	Қирғиз	2009
5	Математика дафтари	М.Жумаев ва б.	1	Қирғиз	2009
6	Атрофимиздаги олам	А.Григорьянц ва б.	1	Қирғиз	2009
7	Одобнома	О.Ҳасанбоева	1	Қирғиз	2009
8	Тасвирий санъат	Р.Ҳасанов	1	Қирғиз	2009

T\p	Дарслик номи	Муаллиф	Синф	Таълим тили	Чоп этилган йили
9	Мусиқа	Ҳ.Нурматов ва б.	1	Қирғиз	2009
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	1	Қирғиз	2009
1	Алифбе (Харглик)	Қ.Абдуллаева ва б.	1	Туркман	2009
2	Ёзув дафтари (Иш дегдери)	К.Холлиев	1	Туркман	2009
3	Она тили ва ўқиш китоби (Эне дили ва оқу китаби)	Г. Абдуллаева ва б.	1	Туркман	2009
4	Математика	М.Аҳмедов ва б.	1	Туркман	2009
5	Математика дафтари	М.Жумаев ва б.	1	Туркман	2009
6	Атрофимиздаги олам	А.Григорьянц ва б.	1	Туркман	2009
7	Одобнома	О.Ҳасанбоева	1	Туркман	2009
8	Мусиқа	Ҳ.Нурматов ва б.	1	Туркман	2009
9	Тасвирий санъат	Р.Ҳасанов	1	Туркман	2009
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	1	Туркман	2009
1	Алифбе	Е.Бердимуродов ва б.	1	Қорақалпоқ	2009
2	Ёзув дафтари	А.Даулетов ва б.	1	Қорақалпоқ	2009
3	Она тили (Ана тили)	Б.Кутлымуратов ва б.	1	Қорақалпоқ	2009
4	Ўқиш китоби (Оқу китаби)	Б.Кутлымуратов ва б.	1	Қорақалпоқ	2009
5	Математика	М.Аҳмедов ва б.	1	Қорақалпоқ	2009
6	Математика дафтари	М.Жумаев ва б.	1	Қорақалпоқ	2009
7	Атрофимиздаги олам	А.Григорьянц ва б.	1	Қорақалпоқ	2009
8	Одобнома	Ж.Базарбаев ва б.	1	Қорақалпоқ	2009
9	Мусиқа	Ғ. Аманиязов	1	Қорақалпоқ	2009
10	Тасвирий санъат	Р.Ҳасанов	1	Қорақалпоқ	2009
11	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	1	Қорақалпоқ	2009
1	Она тили	К.Қосимова ва б.	2	Ўзбек	2008
2	Ўқиш китоби	Қ.Абдуллаева ва б.	2	Ўзбек	2008
3	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2	Ўзбек	2008
4	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2	Ўзбек	2008
5	Одобнома	Х.Абдуллаева	2	Ўзбек	2007
6	Атрофимиздаги олам	П.Фуломов ва б.	2	Ўзбек	2008
7	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	2	Ўзбек	2008
8	Мусиқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2	Ўзбек	2008
9	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2	Ўзбек	2008
1	Ўзбек тили	Р.Толипова и др.	2	Рус	2008
2	Русский язык	М.Тохтаходжаева и др.	2	Рус	2008
3	Книга для чтения	В.Кожуховская и др.	2	Рус	2008
4	Математика	Н.Бикбаева и др.	2	Рус	2008
5	Окружающий нас мир	П.Гулямов и др.	2	Рус	2008
6	Изобразительное искусство	М.Исакова и др.	2	Рус	2008
7	Музыка	Ҳ.Нурматов и др.	2	Рус	2008
8	Азбука этики	В.Костецкий и др.	2	Рус	2007
9	Физическое воспитание	К.Маҳкамджанов и др.	2	Рус	2008
1	Ўзбек тили	Р.Толипова ва б.	2	Қорақалпоқ	2008
2	Она тили (Ана тили)	Б.Кутлымуратов ва б.	2	Қорақалпоқ	2008
3	Ўқиш китоби (Оқу китаби)	Б. Кутлымуратов	2	Қорақалпоқ	2008
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2	Қорақалпоқ	2008
5	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2	Қорақалпоқ	2008
6	Атрофимиздаги олам	П.Фуломов ва б.	2	Қорақалпоқ	2008
7	Мусиқа	Ғ. Аманиязов	2	Қорақалпоқ	2008
8	Одобнома	Х.Абдуллаева	2	Қорақалпоқ	2007
9	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	2	Қорақалпоқ	2008
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2	Қорақалпоқ	2008
1	Ўзбек тили	Р.Толипова ва б.	2	Қозоқ	2008
2	Она тили (Ана тили)	М.Омарулы	2	Қозоқ	2008
3	Ўқиш китоби (Оқу китаби)	М.Омарулы	2	Қозоқ	2008
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2	Қозоқ	2008
5	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2	Қозоқ	2008
6	Одобнома	Х.Абдуллаева	2	Қозоқ	2007
7	Атрофимиздаги олам	П.Фуломов ва б.	2	Қозоқ	2008
8	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2	Қозоқ	2008
9	Мусиқа	Ш.Жанайдаров ва б.	2	Қозоқ	2008

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг умумий ўрта таълим мактабларига 2006, 2008 ва 2009 йилларда берилган дарсликларини 2010 йилда утилизацияга топшириш рўйхати

№	Дарслик номи	Муаллиф	Синф	Таълим тили	Чоп этилган йили
10	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	2	Қозоқ	2008
1	Ўзбек тили	Р.Толипова ва б.	2	Тожиқ	2008
2	Она тили (Забони тожики)	Т.Чориев	2	Тожиқ	2008
3	Ўқиш китоби (Китоби хониш)	Ж. Эшонқулов	2	Тожиқ	2008
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2	Тожиқ	2008
5	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2	Тожиқ	2008
6	Атрофимиздаги олам	П.Фуломов ва б.	2	Тожиқ	2008
7	Муסיқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2	Тожиқ	2008
8	Одобнома	Х.Абдуллаева	2	Тожиқ	2007
9	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	2	Тожиқ	2008
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2	Тожиқ	2008
1	Ўзбек тили	Р.Толипова ва б.	2	Қирғиз	2008
2	Она тили (Эне тили)	С.Рисбаева ва б.	2	Қирғиз	2008
3	Ўқиш китоби (Оқуу китеби)	Г.Тухтабаев ва б.	2	Қирғиз	2008
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2	Қирғиз	2008
5	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2	Қирғиз	2008
6	Атрофимиздаги олам	П.Фуломов ва б.	2	Қирғиз	2008
7	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	2	Қирғиз	2008
8	Муסיқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2	Қирғиз	2008
9	Одобнома	Х.Абдуллаева	2	Қирғиз	2007
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2	Қирғиз	2008
1	Ўзбек тили	Р.Толипова ва б.	2	Туркман	2008
2	Она тили (Ene dili)	Г.Абдуллаева ва б.	2	Туркман	2008
3	Ўқиш китоби (Oquw kitaby)	Ш.Абдуллаева ва б.	2	Туркман	2008
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2	Туркман	2008
5	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2	Туркман	2008
6	Атрофимиздаги олам	П.Фуломов ва б.	2	Туркман	2008
7	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	2	Туркман	2008
8	Одобнома	Х.Абдуллаева	2	Туркман	2007
9	Муסיқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2	Туркман	2008
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	3	Туркман	2008
1	Она тили	С.Фузаилов ва б.	3	Ўзбек	2008
2	Ўқиш китоби	М.Умарова ва б.	3	Ўзбек	2008
3	Русский язык	Р.Толипова ва б.	3	Ўзбек	2008
4	Математика	Н.Бикбаева ва б.	3	Ўзбек	2008
5	Табиатшунослик	А.Баҳромов	3	Ўзбек	2008
6	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	3	Ўзбек	2008
7	Муסיқа	Ҳ.Нурматов ва б.	3	Ўзбек	2008
8	Одобнома	О.Ҳасанбоева	3	Ўзбек	2007
9	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	3	Ўзбек	2008
1	Ўзбек тили	Р.Толипова и.др.	3	Рус	2008
2	Русский язык	М.Тохтаходжаева и др.	3	Рус	2008
3	Книга для чтения	В.Кожуховская и др.	3	Рус	2008
4	Математика	Н.Бикбаева и др.	3	Рус	2008
5	Природоведение	А.Баҳромов	3	Рус	2008
6	Азбука этики	В.Костецкий	3	Рус	2008
7	Изобразительное искусство	М.Исакова и др.	3	Рус	2008
8	Музыка	Ҳ.Нурматов и др.	3	Рус	2008
9	Физическое воспитание	К.Маҳкамджанов и др.	3	Рус	2008
1	Ўзбек тили	Р.Примжарова ва б.	3	Қорақалпоқ	2008
2	Она тил (Ана тили)	Е.Дауенов ва б.	3	Қорақалпоқ	2008
3	Ўқиш китоби (Oquw kitaby)	Б.Калимбетов ва б.	3	Қорақалпоқ	2008
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	3	Қорақалпоқ	2008
5	Одобнома	О.Ҳасанбоева	3	Қорақалпоқ	2007
6	Математика	Н.Бикбаева ва б.	3	Қорақалпоқ	2008
7	Табиатшунослик	А.Баҳромов	3	Қорақалпоқ	2008
8	Муסיқа	Г.Аманиязов	3	Қорақалпоқ	2008
9	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	3	Қорақалпоқ	2008
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	3	Қорақалпоқ	2008
1	Ўзбек тили	А.Рафиев	3	Қозоқ	2008
2	Она тили (Ана тили)	М.Омаров ва б.	3	Қозоқ	2008

№	Дарслик номи	Муаллиф	Синф	Таълим тили	Чоп этилган йили
3	Ўқиш китоби (Оқу китаби)	М.Омаров ва б.	3	Қозоқ	2008
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	3	Қозоқ	2008
5	Математика	Н.Бикбаева ва б.	3	Қозоқ	2008
6	Табиатшунослик	А.Баҳромов	3	Қозоқ	2008
7	Одобнома	О.Ҳасанбоева	3	Қозоқ	2007
8	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	3	Қозоқ	2008
9	Муסיқа	Ш.Жанайдаров	3	Қозоқ	2008
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	3	Қозоқ	2008
1	Ўзбек тили	Б.Ўринбоев	3	Тожиқ	2008
2	Она тили (Забони модарй)	Т. Чориев	3	Тожиқ	2008
3	Ўқиш китоби (Китоби хониш)	Ю. Азимов	3	Тожиқ	2008
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	3	Тожиқ	2008
5	Математика	Н.Бикбаева ва б.	3	Тожиқ	2008
6	Табиатшунослик	А.Баҳромов	3	Тожиқ	2008
7	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	3	Тожиқ	2008
8	Одобнома	О.Ҳасанбоева	3	Тожиқ	2007
9	Муסיқа	Ҳ.Нурматов ва б.	3	Тожиқ	2008
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	3	Тожиқ	2008
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	3	Қирғиз	2008
2	Она тили (Эне тили)	С.Рисбаев ва б.	3	Қирғиз	2008
3	Ўқиш китоби (Оқуу китеби)	А.Зулпихаров	3	Қирғиз	2008
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	3	Қирғиз	2008
5	Математика	Н.Бикбаева ва б.	3	Қирғиз	2008
6	Табиатшунослик	А.Баҳромов	3	Қирғиз	2008
7	Одобнома	О.Ҳасанбоева	3	Қирғиз	2007
8	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	3	Қирғиз	2008
9	Муסיқа	Ҳ.Нурматов ва б.	3	Қирғиз	2008
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	3	Қирғиз	2008
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	3	Туркман	2008
2	Она тили (Ene dili)	Г.Абдуллаева ва б.	3	Туркман	2008
3	Ўқиш китоби (Oquw kitaby)	Ш.Абдуллаева ва б.	3	Туркман	2008
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	3	Туркман	2008
5	Математика	Н.Бикбаева ва б.	3	Туркман	2008
6	Табиатшунослик	А.Баҳромов	3	Туркман	2008
7	Одобнома	О.Ҳасанбоева	3	Туркман	2007
8	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	3	Туркман	2008
9	Муסיқа	Ҳ.Нурматов ва б.	3	Туркман	2008
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	3	Туркман	2008
1	Она тили	М.Қодиров ва б.	8	Ўзбек	2006
2	Адабиёт	С.Олимов ва б.	8	Ўзбек	2006
3	Русский язык	Р.Толипова ва б.	8	Ўзбек	2006
4	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	8	Ўзбек	2006
5	Немис тили «Assalom,Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	8	Ўзбек	
6	Инглиз тили (English Matters)	У.Ли ва б.	8	Ўзбек	2006
7	Француз тили «Le nouveau voyage en France»	З. Абдушукурова ва б.	8	Ўзбек	2006
8	Ўзбекистон тарихи	Қ.Усмонов ва б.	8	Ўзбек	2006
9	Жаҳон тарихи	У.Жўраев ва б.	8	Ўзбек	2006
10	Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари	О.Каримова ва б.	8	Ўзбек	2006
11	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариков ва б.	8	Ўзбек	2006
12	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	8	Ўзбек	2006
13	Геометрия	А.Раҳимқориев	8	Ўзбек	2006
14	Физика	Н.Турдиев ва б.	8	Ўзбек	2006
15	Кимё	И.Аскарлов ва б.	8	Ўзбек	2006
16	Одам ва унинг саломатлиги	Б.Аминов ва б.	8	Ўзбек	2006
17	География	П. Мусаев ва б.	8	Ўзбек	2006
18	Чизмачилик	А.Умронхўжаев	8	Ўзбек	2006

(Давоми бор.)

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

2010-2011 ўқув йилига шу йилнинг 20 июнидан бошлаб абитуриентлар ҳужжатларини қуйидаги таълим йўналишлари бўйича қабул қилади:

Шифр	Таълим йўналишлари	Жами	Давлат гранти	Шартнома асосида
		1290	505	785
5140100	Математика	120	50	70
5140200	Физика ва астрономия	75	30	45
5140300	Кимё	75	30	45
5140400	Биология	75	30	45
5140500	География ва иқтисодий билим асослари	60	25	35
5140600	Тарих	100	40	60
5140800	Педагогика ва психология	60	25	35
5141000	Муслиқ таълим	40	15	25
5141100	Ўзбек тили ва адабиёти	100	40	60
5141300	Она тили ва адабиёти (тиллар бўйича)	50	15	35
5141400	Хорижий тил (инглиз тили)	80	30	50
5141500	Миллий ғоя, маънавият ва ҳуқуқий таълим асослари	75	30	45
5141600	Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш	100	40	60
5141700	Мактабгача таълим	80	25	55
5141800	Дефектология	25	10	15
5141900	Жисмоний маданият	100	40	60
5142000	Меҳнат таълими	75	30	45



Қабул учун абитуриент томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

1. Олий таълим муассасаси раҳбари номига таълим йўналиши, ўқув тили ва шакли кўрсатилган ҳолдаги ариза.
2. Ўрта ёки ўрта махсус, касб-хунар маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси.
3. №086-У шакл бўйича тиббий маълумотнома.
4. 3,5x4,5 см. ҳажмдаги 8 дона рангли фотосурат.
5. Паспорт ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат.

Шифр	Магистратура	Жами	Давлат гранти	Шартнома асосида
		34	12	22
5A460101	Математик анализ	8	3	5
5A440402	Аналитик кимё	6	2	4
5A140601	Тарих	6	2	4
5A141101	Ўзбек тили	8	3	5
5A141601	Бошланғич таълим	6	2	4

Танловдан ташқари ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўлган халқаро ва Республика олимпиадалари, танлов ва мусобақалар ғолиблари асл нусхадаги тасдиқловчи ҳужжатларини топширадилар.

Ҳарбий қисм тавсияномасининг шакли ва уни олиш тартиби Мудофаа вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг йўриқ хати ҳамда Мудофаа вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ҳарбий хизматни ўтаган фуқароларга ўқишга киришда имтиёзлар бериладиган Тавсияномани бериш тартиби тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ

2010-2011 ўқув йили учун қабул ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
(таълим шакли кундузги)

Бакалаврият таълим йўналишлари:

- Спорт фаолияти (баскетбол, волейбол, теннис, футбол, кўл тўпи, бокс, қиличбозлик, таэквондо (WTF) гимнастика, бадий гимнастика, спорт кураш турлари: дзю-до, самбо, эркин кураш, юнон-рум кураши, белбоғли кураш, оғир атлетика, енгил атлетика, велоспорт, сузиш, эшкак эшиш; хотин-қизлар спортини ривожлантириш;
- Касб таълими (жисмоний тарбия ва жисмоний маданият).
- Спорт психологияси.

Магистратура мутахассисликлари:

- Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича);
- Адаптив жисмоний тарбия;
- Жисмоний тарбия ва спорт менежменти.

Абитуриентлар қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- институт ректори номига ариза;
- ўрта ёки ўрта махсус маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асли;
- 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома;
- паспорт нусхаси;
- 3,5x4,5 см. ҳажмдаги 10 та расм;
- спорт таснифи (разряд) дафтарчаси;
- паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Хотин-қизлар спортини ривожлантириш йўналиши бўйича ҳужжатлар, ижодий имтиҳонлар ва тест синовлари абитуриентларнинг доимий рўйхатдан ўтган жойидаги ҳудудий олий таълим муассасалари: Нукус ДУ, Урганч ДУ, Қарши ДУ, Термиз ДУ, Фарғона ДУ, Наманган ДУ, Андижон ДУ, Жиззах ДПИ, Бухоро ДУ, Самарқанд ДУ, Навоий ДПИ, Гулистон ДУда, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтганлар Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида қабул қилинадилар. 2010 йил 1, 2, 3 июль кунлари соат 9.00 дан 12.00 гача институтда очиқ эшиклар куни ўтказилади.

Манзилимиз: 100052, Тошкент шаҳри, Оққўрғон кўчаси, 2-уй. (Мўлжал: "Ўзбекистон Республикаси ТИФМБ"нинг стадиони, метронинг "Пушкин" ёки "Ҳамид Олимжон" бекатлари)

Абитуриентни бошқа талаба-ўқувчилардан қандай ажратиш олиш мумкин, биласизми? У ёзги таътилда ҳам китобдан бошини кўтармайди. Сиз уни кўча-кўйда, транспорт воситаларида аллақандай формулалар, қоидаларни такрорлаётган ҳолда учратишингиз мумкин. Бундай пайтда яқин инсонларининг қўллаб-қувватлаши ва руҳий далдаси улар учун жуда муҳим. Буни абитуриент сифатида мен ҳам бир вақтлар ҳис қилгандим. Бугун эса омадли ва собиқ абитуриент сифатида мутахассисларнинг сизга асқотадиган маслаҳатларни эслатиб ўтмоқчиман.



ИМТИХОН СИНОВ ХОЛОС...

«Омад, албатта, тинимсиз меҳнат қилганларга кулиб боқади». Бу мақолни ўзингизга шиор қилиб олинг. Сизнинг билим олиш йўлидаги ҳаракатларингиз натижасиз қолмайди. Имтиҳон — ўзлаштирилган билимлар синови холос. Бу синовда ҳаммаси кўнгилдагидек бўлиши учун сиз ўзингизни хотиржам тутишингиз керак.

Ишни дастлаб ёзув столидан бошлаймиз. У сизнинг ақлий меҳнат қилишингиз учун тайёр бўлиши керак. Ортиқча нарсаларни олиб ташланг, керакли дарслик, қўлланма, дафтар, қоғоз ва қаламларни кулай тартибда жойлаштиринг.

• Куннинг қайси қисмида фаолроқ бўлишингизга қараб, машғулотлар режасини тузиб чиқинг. Бугун нимани ўрганишингизни ҳам олдиндан белгилаб қўйинг.

• Энг қийинидан бошланг. Сиз бажаришга ёки ёдда сақлаб қолишга қийнаётган машқ ёки қоидага кўпроқ вақт ажратинг. Агар вазифага кириша олмаётган бўлсангиз, энг қизиқарли ва энг осонидан бошлаган маъқул.

• Машғулотлар билан дам олишни кетма-кет олиб бординг. Дейлик, 40 дақиқа машқ ва 10 дақиқа танаффус. Танаффус пайтида уй юмушлари билан банд бўлиш, гулларга сув қуйиш, бадантарбия қилиш мумкин.

• Бутун бошли дарсликни ўқиб, уни ёдлаб олишга ҳаракат қилманг. Материални турли режалар, жадвал ва схемалар орқали эслаб қолиш анча қулай. Бу маълумотларни тез ва осон такрорлаб олиш имконини беради.

• Имтиҳондан олдин иложи борича кўпроқ ахборотнома ва тестларни ечишга ҳаракат қилинг. Ушбу машқлар сизни тестларнинг умумий тузилиши ва саволларга жавоб бериш тартиби билан таништиради. Тажрибангизни оширади.

• Машқ қилаётган вақтингда секундомер билан ишлаш фойдалироқ. Вақтни олдиндан белгилаб, чегаралаб қўйинг. Шунда сиз қисқа вақт ичида фикрлашга ва тўғри жавобни топишга ўргана бошлайсиз.

• Тестни ечиш чоғида энг тўғри ва самарали усуллардан фойдаланишга ўрганинг. Имтиҳондан бир неча кун олдин сиз учун мураккаб кўринган

БЎЛАЖАК ТАЛАБАГА МАСЛАҲАТЛАР

масалалар устида бош қотиринг.

Олдинда сизни қандай саволлар кутаётганлиги ҳақида тасаввурга эга эмассиз. Имтиҳон битта шеърни ёддан айтиб бериш эмас-ку ҳар ҳолда! Шунинг учун, синовлар олдиндан ўзингизни худди ҳеч нарсани билмагандек ҳис қилишингиз одатий ҳолат.

Психологларнинг таҳлилича биз онг орқали қабул қилаётган ахборотнинг катта қисми биринчи соатдаёқ унутилади. Бир кундан кейин умумий ахборот ҳажмининг бор-йўғи 20-30 фоизи ёдда сақланиб қолади. Агар эслаб қолинган ахборот ўша пайтнинг ўзидаёқ баён қилинса, ёки амалда синаб кўрилса, унинг хотирада қолиш эҳтимоли анча юқори бўлади.

Бизнинг тезкор хотирамиз бир вақтнинг ўзида еттитагача объект ҳақидаги маълумотни қабул қилиши, сақлаши ва ифодалаши мумкин.

7та ҳарфни эслаб қолиш 7та сўз ёки 7та гапни ёдда сақлаб қолишдек мураккаб. Шунинг учун, ўрганилаётган маълумотларни мантиқан етти қисмга ажратиш яхши самара беради.

Имтиҳонга тайёргарлик чоғида щоцилмасликка ҳаракат қилинг. Гап сонда эмас, сифатда. Саволларга тўғри жавобни белгилашда, эслаш эмас, фикрлашга интилинг. Хотирада вужудга келган бўшлиқни мантиқан тўғри бўлган фикр тўлдириши мумкин.

КЎРҚУВНИ ЕНГИШ УСУЛЛАРИ

1. Ўзингизга «умуман кўркмайман» деб сўз беринг. Аксарият имтиҳон топширувчилар олдиндан «Мен ҳеч нарсани билмайман» «Ҳаммаси ёдимдан чиқиб кетади» қабилдаги ўй-хаёллар билан ортиқча хавотирларга берилади.

Ўз фикрларингизни тўғри йўналишга буринг. «Мен узок вақт давомида тайёргарлик кўрдим. Кўлимдан келганча

Sinab ko'ring

билим олдим ва тест саволларига жавоб бера оламан». Бу гапни доимий равишда такрорлаш орқали яхши натижаларга эришингиз мумкин.

2. Нафас олиш машқларини бажаринг. Бу ваҳима ва стрессни енгиланинг энг тезкор, осон ва самарали усули. Кўзингизни юмиб, чуқур ва бир маромда нафас олинг.

Ҳеч қачон синовдан ўта олмаслик ҳақида ўйламанг. Аксинча, талабага эришгач, ўзингизни қандай ҳис қилишингизни тасаввур қилинг. Ёдингизда бўлсин, инсоннинг хаёллари реал ҳаётда ўз аксини топади. Сиз зўр бериб ўйлаётган ҳодиса вақти келиб, ҳақиқатга айланиши мумкин. Шунинг учун, омад фақат сиз томонда бўлишига ишонинг.

3. Бировларнинг ҳаяжонидан таъсирланманг. Имтиҳон ўтказилаётган аудиторияда ваҳима ва кўрқувдан титраб, «Аниқ ўқишга кира олмайман» қабилдаги фикрлар билан «ўртоқлашаётган» абитуриентлардан иложи борича узокроқ туринг.

ЕНГИЛ НОНУШТА — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Имтиҳонга бир кун қолганда, ортиқча хатти-ҳаракатлар билан ўзингизни уринтирманг. Иложи борича кўпроқ маълумотни эслаб қолиш мақсадида дарсликларни варақлашда давом этишингиз ҳам мумкин. Лекин, бу умумий аҳволни фақат ёмонлаштиради. Бундан ташқари, эртанги кун ҳақидаги ўй-фикрлар сизнинг ортиқча ҳаяжонланишингизга сабаб бўлади.

1. Тоза ҳавода сайр қилинг.

Ухлашга ётишдан олдин ҳеч нарса ҳақида ўйламанг. Имтиҳонни яхши топшириш учун, тонгда сиз тетик ва кучга тўлган ҳолда уйғонишингиз керак.

2. Синовлар арафасидаги қаттиқ ҳаяжон кўп ҳолларда иштаҳасизлик билан бирга кечади. Бироқ, «кўнглингизга қил сизмаган» тақдирда ҳам, озгина тамадди қилиб олиш шарт. Акс ҳолда, кучли руҳий ҳавотир оқибатида қондаги шакар миқдори кескин камайиб, организм ваража, терлаш, кучсизлик, бош айланиши, кўнгил айниши каби ҳолатлар таъсирида қолиши мумкин.

3. Имтиҳонга ҳаддан ташқари тўқ қорин билан отланиш ҳам ярамайди. Нонушта енгил ҳамда оқсил ва углеводларга бой бўлиши керак. Имтиҳон олдиндан йогурт, творог, тухум, сутли бўтқа, лимон ёки шакарли чой истеъмол қилиш тавсия этилади. Агар асаблар жуда таранг бўлиб, организм овқатга эҳтиёж сезмаса, 1 чой қошиқ асал, 2та ёнғоқ, 3 донатуршак билан бир стакан биокефир истеъмол қилинг.

4. Мусиқа имтиҳон олдидаги ҳаяжонни енгиланинг яхши воситаси ҳисобланади. Имтиҳонга отланар экансиз, жанговар марш ёки гитаранинг ўйноқи садолари сиздаги кўрқув ва ички таҳликани бартараф этиши мумкин. Мумтоз кўшиқлар, майин ва бир маромдаги оҳанглар инсонни ақлий меҳнатга тайёрлайди.

5. Асло тинчлантирувчи дори воситаларини қабул қилманг. Ланжлик ва суст кайфият туфайли фикрингизни бир жойга жамлашингиз жуда қийин бўлади!

6. Имтиҳонга вақтидан ярим соат аввалроқ келинг. Албатта, паспорт ва имтиҳон варақасини ёдингиздан чиқарманг.

7. Об-ҳавога қараб кийиниш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки, аудиторияда камида 3 соат ўтиришингизга тўғри келади.

БУГУН ИМТИХОН ТОПШИРАСИЗ

1. Тестлар тарқатилгач, ҳаяжонланмасликка ва фикрингизни жамлашга ҳаракат қилинг. Тестни тўлиғича кўздан кечириб чиқинг, бу умумий мазмун билан танишиш ва ишга киришишда ёрдам беради.

2. Натижа фақат менга боғлиқ. Мен эса ҳамма жавобларни биламан, деб ўзингизни ишонтиринг. Чалғитувчи ҳолатлар (аудиториядаги шовқин ва ҳаракатлар)га эътибор бермасликка ҳаракат қилинг. Айти дамда сиз учун фақат тест саволлари ва жавобларни белгилаш учун ажратилган вақт муҳим. Бироқ, вақтнинг чегараланганлиги жавобларингиз сифатига таъсир кўрсатмаслиги керак. Жавоб беришдан олдин саволни икки марта диққат билан ўқинг ва сўралаётган нарсани тушунганингизга ишонч ҳосил қилинг.

3. Узок ўйлашни талаб қиладиган саволни кейинга қолдириб, дастлаб билишингиз аниқ бўлган саволларга жавоб ёзинг. Агар жавоб танлашда иккилансангиз, қалбингиздаги ички овозга кулоқ солинг. Кўплаб топшириқларнинг ечимини тўғри жавобни излаш эмас, нотўғри жавобларни тушириб қолдириш орқали топиш осонроқ.

4. Вазифани охиригача ўқинг! Шошилиб, тахминий жавобни белгилаб кетиш — энг осон саволларда ҳам хатоларга йўл қўйишингизга олиб келади.

Бажарилган ишингизни текшириш учун вақт қолдиригиз. Ҳеч бўлмаса, тестни яна бир бор кўздан кечириб чиқинг. Қандайдир хатоларга йўл қўйган бўлишингиз мумкин.

Ўзингизни ташқаридан кузатинг. Айти пайтда имтиҳон ҳаётингиздаги энг муҳим ҳодиса бўлиб кўринаётган бўлиши мумкин. Лекин бутун умрингиз билан солиштирганда, бу бор-йўғи бир масала холос. Көлажақда бу каби масалаларга жуда кўп бор дуч келишингиз шубҳасиз. Имтиҳон олдиндан фақат талабалар ва мактаб ўқувчилари эмас, биринчи операцияга қўл ураётган жароҳ, саҳнага биринчи марта чиқаётган санъаткор, раҳбар билан суҳбатдан ўтаётган ходим ҳам кучли ҳаяжонни бошидан кечиради. Қутилаётган имтиҳон олдидаги ҳаяжон эса одатий ҳодиса. Асосийси, у чегарадан чиқмаслиги, ваҳимага айланмаслиги керак.

Висола ҚАРШИБОВА тайёрлади.

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ



2010/2011 ЎҚУВ ЙИЛИ АБИТУРИЕНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Институтда мавжуд бўлган барча йўналишлар ва мутахассисликлар ҳақида маълумот

БАКАЛАВРИАТ:

- ☞ Архитектура
- ☞ Дизайн
- ☞ Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш
- ☞ Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
- ☞ Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш
- ☞ Геодезия, картография ва кадастр
- ☞ Бино ва иншоотлар қурилиши (турлари бўйича)
- ☞ Шаҳар қурилиши ва хўжалиги
- ☞ Мухандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи
- ☞ Касб таълими (таълим йўналишлари бўйича)
- ☞ Гидротехника қурилиши (турлари бўйича)
- ☞ Ландшафтлар архитектураси
- ☞ Уй-жой, коммунал ва маиший хизматлар бўйича сервис
- ☞ Қишлоқ аҳоли пунктларини архитектуравий лойиҳалаштиришни ташкил этиш
- ☞ Қишлоқ қурилишини лойиҳалаш

МАГИСТРАТУРА:

- ☞ Амалий геодезия
- ☞ Архитектура назарияси ва тарихи, архитектура ёдгорликларини тиклаш
- ☞ Бино ва иншоотлар архитектураси
- ☞ Бино ва иншоотларни барпо этиш технологияси
- ☞ Бинолар, шаҳар ҳудудларини қайта қуриш, тиклаш, ободонлаштириш ва улардан фойдаланиш
- ☞ Лойиҳалаш-технологик ва конструктив-технологик ечимларнинг тизимли таҳлили
- ☞ Иссиқлик-газ таъминоти, шамоллатиш, ҳавони мўътадиллаш ва ҳаво ҳавзасини муҳофаза қилиш
- ☞ Қурилиш конструкцияларини лойиҳалаш
- ☞ Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш
- ☞ Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
- ☞ Сув таъминоти, канализация, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш
- ☞ Кўчмас мулкни баҳолаш ва бошқариш
- ☞ Қишлоқ аҳоли пунктларини комплекс қуриш
- ☞ Бино ва иншоотларни техник баҳолаш
- ☞ Шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ҳудудий режалаштириш
- ☞ Ландшафтлар архитектураси
- ☞ Гидротехник иншоотлар
- ☞ Бино ва иншоотлар қурилиши

Бизнинг манзил:

Навоий кўчаси, 13-уй

Телефонлар: 244-18-78, 241-14-52

www.tasi.uzsci.net E-mail: tasi_info@edu.uz



Dunyo bizni yangidan tanimoqda

Марказий Миллатлар университети фақат Хитойда эмас, балки йилдан-йилга бутун дунёга машҳур бўлиб бормоқда. У Хитойда 56 миллат фарзандлари таълим оладиган ягона университети; илк чет эл талабаларини қабул қила бошлаган 8 университетдан бири. Ўқитиш услуби ва шароитлари бўйича энг яхши университетлар қаторида туради. Хитойда энг чиройли миллий байрамлар бизнинг университетимизда ўтади. Наврўз байрами энг зўр нишонланадиган олий ўқув юрти ҳам бизнинг дорилфунунимиз...

Мабодо университетга йўлингиз тушиб, халқаро таълим факултетида бўлсангиз, иккинчи қаватда қўллариди қандайдир қоғозлар кўтариб қаергадир шошилиб кетаётган бўйлари узун, елкасига тушган сочлари хиёл сарғиш, хиёл жингалак, ялтироқ кўзойнак тагида тимқора кўзлари доим



ўйладим ва шу қарорга келдим: устоз атрофидагиларни қандай яхши кўришни биларди, ҳар бир миллат ва мамлакатга ҳурмат билан қарайди. Чет элда ўқийётган талабаларнинг энг нозик тарафи нимада, биласизми? Сиз унинг қобилияти ёки кийган кийимини мақтаманг, шунчаки ватани ҳақида икки оғиз яхши гапи-

УСТОЗ
田老师

порлаб турадиган аёлга кўзингиз тушса, билингки, ана ўша Тиан лаоши* бўлади!

Устоз Тиан шу ерда 10 йилдан бери чет эллик талабаларга хитой тили, хитой маданияти ва ёзувидан дарс бериб келади.

Тиан лаоши ўзининг вақтидан 3 ой олдин битказаётган ишларига «улгуролмай», шошилиб кетаётган пайтда ҳам сиз унга:

— Устоз, сизда ишим бор эди, бугун кечкурун вақтингиз борми? — десангиз, унинг ҳар доим сизга аталган:

— Меи ёу вен ти!** — деган жавоби тайёр туради.

У фақат талабаларнинг энг суюкли устози, балки яқин дўсти, юз фоиз ишончли сирдоши ҳамдир. Доим талабалар фикрини қўллаб-қувватлайди, уларга ён босади, қўлидан келганича ёрдам беради. (Фақат имтиҳонда эмас!) Талабалар ўзларининг майда муаммоларидан оиласидаги ташвишларигача устоз билан баҳам кўра олади...

Дарсга 15 дақиқа аввал келиб «Бугун мен устоздан олдин келдим», дея кўрманг, гапингиз ҳавога кетмасин. Шу пайтгача Тиан лаошидан олдин ҳали ҳеч ким аудиторияга кирмаган. Аудиториядан энг охирда чироқлар ва совутгичларни ўчириб чиқадиган ҳам устоз Тиан бўлади.

Тиан лаошининг дарс ўтиш услуби ҳеч бир устозникидан фарқ қилмайди. Ҳатто дарсда бошқа домлаларга қараганда бироз қаттиққўлроқ ҳам. Аммо нега унинг атрофидан талабалар аримайди? Бу ҳақда кўп

ринг. Ана энди унинг учун сиздан-да яхши инсон йўқ!

Тиан лаоши бунини жуда яхши биларди ва ҳар бир мамлакат урф-одатлари тўғрисида яхши маълумотга эга. Негадир, устознинг Ўрта Осиёга меҳри бошқача. Айниқса, Ўзбекистон уни энг кўп қизиқтирган мамлакат. Кимдир ўз юрти одатлари ҳақида гапирса, менга кўз қирини ташлаб, қутилмаганда «Ўзбекистонда-чи?» деган саволни беради. Дарсдан кейин кўпинча йўлимиз бир бўлади. Ўшанда йўл бўйи Ўзбекистон ҳақида гаплашамиз... Мен унга ўзбек маданияти ва тарихидан гапираман. У кейинги йили Ўзбекистонга бориш ниятини айтади. Тошкент, Самарқанд, Бухорони бир кўрсам, дейди. Очиқ музей-шаҳар Хивани томоша қилиш унинг катта орзуси. Ўша кунгача бизнинг ўзбек тилимизда «Ассалому алайкум», «Мен хитойликман», «Мен сизни яхши кўраман», «Неча пул туради?» каби сўзларни ўрганиши керак экан. Тиан лаоши билан қанча узоқ гаплашсангиз, шунча гаплашгингиз келаверади. У, ташхис аппаратдек, кўнглингизни аниқ-равшан кўра олади. Унга бемалол дилингизни ёришингиз, нолишга ўралган «уфор»ларингизни тортинмасдан айтишингиз мумкин. Шунча талабанинг сирини сақлаган қалбида сизнинг «дардингиз»га ҳам, албатта, жой топилади.

Фароғат ЖАББОРОВА,
Марказий Миллатлар
университетининг
халқаро таълим факултети
магистранти

*Лаоши — устоз.

**Меи ёу вен ти — Гап бўлиши мумкин эмас!

МЕХАНИК КАПАЛАК ЯРАТИЛДИ


Токио университети мутахассислари елканли капалак номини олган ҳашаротнинг механик турдагисини яратишнинг уддасидан чиқишди. Янги ишланманинг аҳамиятли томони шундаки, эндиликда унинг ёрдамида мазкур ҳашаротларнинг парвоз қилиш механизмини ўрганишга имкон туғилади. Бу ҳақда ria.ru электрон саҳифаси маълум қилди.

Елканли капалаклар ўз турдошларига нисбатан анча катта ҳажмдаги қанотларга эгаллиги билан ажралиб туради. Мазкур жиҳат унинг қанот қоқиш тезлиги ва умумий ҳаракатланишини чеклайди.

Айнан шу хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда япониялик муҳандислар Хирото Танака ва Исао Шимояма елканли капалакнинг механик нусхаси бўлган орнитоптерни яратилди. Тажрибаларда олимлар механик капалакнинг ҳаводаги ҳаракатланишини кузатиб, батафсил таҳлил ўтказишди.

— Техник ютуқ сифатида ишланмамиз, табиийки, катта ижобий таассурот уйғотди, лекин келгусида аэродинамик ва биологик ўзига хосликларга кўпроқ эътибор қаратиш лозим, — деди ишланма ҳаммуаллифи Калифорния университети олими Роберт Дадли.

Унинг таъкидлашича, пластик қанотларга эга ушбу робот капалак парвоз қилиш механизми ҳақида батафсил тушунча шакллантирса-да, у билан ҳақиқий турдагиси ўртасида



қатор тафовутлар борлиги инкор этилмаяпти. Бу ҳолат биологик нуқтаи назардан аниқ бир хулосаларни тақдим этишга тўсқинлик қилмоқда.

БЕКОР ДУНЮ

Xabarlar, voqealar, sharhlar


САБЗАВОТ БАТАРЕЯЛАР

Қайнатилган картошка асосида яратилган батареялар дунёдаги кўплаб мамлакатларда арзон турдаги электр қувват манбаси бўлиши кутилмоқда. Бундай фикрни янги технологияларни ишлаб чиқишга ихтисослашган Исроил Миллий университети қошидаги «Йиссум» илмий тадқиқотчилик компанияси ўртага ташлади. Аниқланишича, ушбу турдаги сабзавот ток манбалари қувватни 5-50 марта арзон бўладиган усулда ишлаб чиқариш имконини беради, дейилади «Қайта тикланадиган ва барқарор қувват манбалари» илмий журналида.

Мақолада ишланма муаллифлари университет профессори Хаим Рабинович ва талаба Алекс Гольберг Калифорниядаги Беркли университети олими Борис Рубинский билан ҳамкорликда иш олиб боргани таъкидланган. Тажириба пайтида улар рух ва мис электродлари ҳамда оддий картошка ёрдамида самарали электр батареяларини ишлаб чиқишга муваффақ бўлганди. Тадқиқотчиларнинг аниқлашича, картошкани аввал электролизда қай-

натиш хом сабзавотга нисбатан электр энергия қувватини 10 баробарга оширишини кузатишган. Бу турдаги озиқ-овқат маҳсулоти асосидаги батареялар бир неча кун ва ҳатто ҳафталаб ҳам ишлаши мумкин. Яна бир жиҳат: картошка дунёдаги 130дан ортиқ мамлакатда турли иқлим шароитларида етиштирилади. Шу сабаб сабзавотни йилнинг исталган фаслида топиш қийинчилик тугдирмайди.

— Шундай оддий ва табиий маҳсулотлар ёрдамида электр қувватини олиш ёруғлик тизими ва телекоммуникациялар фаолияти яхши йўлга қўйилмаган ҳудудларда яшайдиган миллионлаб инсонлар учун ўта муҳим аҳамиятга эга, — деди компания директори Яков Михлин.




КАМ ҲАРАКАТЛАНИШ ЗАРАРИ

Лондондаги Қироллик коллежи тадқиқотчилари инсоннинг кўп вақтини ўтирган ҳолда ўтказиши умрни қисқартиради, деган хулосага келишди. Тажирибаларда 2 400та эгизаклар жуфтлиги иштирок этиб, олимлар уларнинг ҳаёт тарзи, одатлари, ҳордиқ чиқариши ва овқатланишини кузатиб боришган, деб ёзади «Дэйли Мэйл» нашри.

Шу билан бирга, кўнгиллилар қон таҳлилига намуна ҳам топширишган. Сабаби олимлар шу йўл билан иштирокчилар қон ҳужайраларидаги хромосомалар узунлигини ўлчаш ва сўрономалардан олинган маълумотлар билан таққослаш имконига эга бўлган. Ўз навбатида, хромосомалар организмнинг кексайишини белгилловчи восита эканини таъкидлаш зарур.

Натижада, асосий функцияси ҳужайра ДНКсини шаклан бузилиш ҳамда шикастланишлардан ҳимоя қилиш бўлган хромосома ва унинг таркибий қисмларининг узунлиги фаол ҳаракатда бўлган инсонларда бошқаларга нисбатан тезроқ қисқариб бориши аниқланди. Бу эса умрнинг ҳам қисқаришига олиб келади.

Ҳозирги тахминий ҳисоб-китобларга кўра, камҳаракатлили инсон умрини 10 йилга қисқартирар экан. Шунингдек, жисмоний иш ёки ҳаракатлар тушқунлик ҳамда руҳий зарбалардан яхши ҳимоя қилиши ҳам узоқ умр кўришга олиб келади.



ПЎРТАНА БЎРОНГА АЙЛАНАДИ(МИ?)

«Франс Пресс» ахборот агентлигининг маълум қилишича, «Алекс» номи берилган кучли пўртана ва унинг оқибатида юзага келган қирғоқлар силжиши туфайли Никарагуа, Гватемала ва Сальвадорда камида 10 нафар инсон ҳаётдан кўз юмган. Мазкур ҳодиса ўтган ҳафта охирида Кариб денгизи ва Мексика кўрфазини ажратиб турувчи Юкатан яриморли яқинида вужудга келган. Даставвал Мексика мамлакати ҳудудидан ўтаётган пўртана бироз секинлашганди, лекин маълум муддатдан сўнг унинг тезлиги ошгани кузатилди. АҚШ Миллий гидрометеорологик хизмати берган маълумотларга қараганда, «Алекс» пўртанаси кучайиши эҳтимоли ҳали-ҳақом сақланиб қолмоқда.

Маълумот ўрнида айтиш зарурки, Атлантика ҳудудида пўртаналар мавсуми одатда 1 июндан бошланади. Тропик бўрон соатига 62 километрдан ортиқ тезликдаги шамол билан кузатилса, у ҳолда табиий офатга махсус ном берилади. Агар табиий ҳодиса тезлиги соатига 119 километрдан ошса, у бўрон сифатида таърифланади.



Ҳозирда жорий йилнинг дастлабки ўзига хос ном олган табиий ҳодисаси — «Алекс» пўртанасининг тезлиги соатига 75 километрни ташкил этяпти. Метеорологлар унинг кучайишидан хавотирда эканини таъкидлашмоқда. Тахминларга кўра, Юкатан яриморлидаги Мексикага қарашли баъзи ҳудудлар ва қўшни Белиз давлатида пўртана туфайли кучли ёмғирлар бўлиши кутилмоқда. Бу эса ўз навбатида, сел ва қирғоқларнинг кўчишига олиб келиши мумкин.

Бундан бир муддат илгари синоптик ва эколог мутахассислар тропик пўртананинг Мексика кўрфазини ҳудудига кириши жорий йилнинг апрель ойидан бери «Бритиш Петролиум» компаниясига қарашли нефть платформасидаги фалокат туфайли юзага келган экологик ҳолатни янада кучайтиришдан хавотирда эканини маълум қилишганди. Сабаби, табиий офатнинг авж олиши кўрфаздаги нефть «доғи»ни катталаштириши ва Флорида штати соҳилларини «қора» тўлқинлар билан қоплаши мумкин эди. Олимлар эндиликда пўртана тезлигини аниқлашга, бундай нохуш ҳодиса кузатилиши эҳтимоли кам эканини таъкидлашмоқда.


Бироқ шунга қарамай, ўтган ҳафтада «Шелл» компаниясига қарашли Мексика кўрфазидagi нефть платформаларида фаолият кўрсатаётган 300 нафар ишчи-ҳодимлар пўртана хавфи туфайли эвакуация қилинган.

ЕРНИНГ УЧ ЎЛЧАМЛИ ХАРИТАСИ

Байконур космодромидан самога учирилган ва илмий мақсадларга йўналтирилган Германиянинг «ТандЭМ-Х» («TanDEM-X») йўлдоши ёрдамида Ернинг уч ўлчамли харитасини тузиш режалаштирилмоқда. «Би-Би-Си Ньос»нинг хабар беришича, аппарат тахминан 514 километр баландликдаги ва 97 даража бурчакда жойлашган, Куёшга синхрон «юрадинг» орбитага «Днепр» элтувчи ракетаси томонидан муваффақиятли олиб чиқилган.

Таъкидлаш жоизки, самовий аппаратлар Куёш билан баробар ҳаракатланиб, сайёрамизнинг ҳар бир нозорат нуқтаси яхши ёритилган вақтда кузатиш ва суратга олиш имконига эга бўлади.


«ТандЭМ-Х» йўлдошининг фаолияти уч йил, деб режалаштирилган. Бу муддат давомида у Ерга микро-тўлқинлар жўнатиб, сигналнинг қабул қилиниш вақтига қараб аппарат ўрганаётган ҳудуд баландлиги аниқланади (пастликларга нисбатан тоғли ҳудудлардан сигнал тезроқ келади). Янги йўлдош 2007 йилда орбитага чиқарилган «ТерраСАР-Х» («TerraSAR-X») билан биргаликда ишлайди. Уларнинг ҳамкорликда ишлаши эса олимларга Ернинг уч ўлчамли хариталарини тузишга имкон яратади.



ЧАНҚОҚБОСДИ БЕШТА ИЧИМЛИК

Халқаро парҳезшунос олимлар гуруҳи ноодатий тажириба ўтказиб, иссиқ мавсум ва жазирамада чанқоқни энг яхши босадиган бешта ичимликни аниқлашган. Бу ҳақда «Сайнс.км» манбасида маълум қилган.

Мутахассислар тузган рейтингнинг биринчи погонаси иссиқ чойга берилди. Мутахассисларнинг фикрича, таркибида кўплаб консервант ва кимёвий моддалар бўлган оддий яхна ичимликлардан фарқли ўлароқ, чойда организмга ижобий таъсир кўрсатадиган флавоноидлар бор. Бу моддалар инсон соғлиғи ва ёшлигини сақлаши, юрак-қон томирлари касалликларининг пайдо бўлишига қарши курашиши аниқланган. Қолаверса, иссиқ чой (совуқ эмас) қон томирларини кенгайтириб, терлаш жараёнини кучайтиради. Организмдан чиқаётган тер билан бирга эса ортиқча иссиқлик чиқиб кетиб, тананинг ўзи ҳам совийди.



Иккинчи ўринда сут маҳсулотидан тайёрланадиган айрон ичимлиги туради. Айроннинг чанқоқни қолдириш хусусияти ҳақида, айниқса, Осиё халқлари вакиллари яхши билади. Кейингиси

квас ҳисобланиб, унинг рўйхатга киритилиши кўп жиҳатдан ичимлик таркибидаги кислоталар туфайлидир. Бу моддалар қонни суюлтиради, натижада қон айланиши жараёни тезлашади.

Энг яхши яхна ичимликлардан бири сифатида кам миқдорда газланган минерал сув ҳам кўрсатилган. Бундай маҳсулот газсиз ёки кучли газланган сувга нисбатан чанқоқни самарали босиши мумкин.

Ва ниҳоят сўнги ўринда лимонли сув кўрсатилган. Бу ичимлик оддий сувга нисбатан чанқоқни яхши босади, чунки ундаги лимон ва аскорбин кислоталари сўлак безларининг яхши ишлашига олиб келади. Ўз навбатида бу оғизнинг қуруқлаб кетишини бартараф этади. Лимонли сувни совутилган ҳолатда ичиш тавсия этилади.

Н.РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

Маматалиева Азиза Амановна номига 1997 йилда Тошкент геология қидирув техникуми томонидан берилган 240798 рақамли диплом, 2004 йилда С.Раҳимов ТИИБ томонидан берилган СА2005564 серияли фуқаролик паспорти, 1997 йилда Давлат кузатув хизмати томонидан берилган ГТ-1-7284463 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

2010—2011 Ўқув йилида қуйидаги таълим йўналишлари бўйича бакалаврият ва магистратура мутахассисликларига қабул эълон қилади.

БАКАЛАВРИЯТ

- ➔ Касб таълими: ер усти транспорт тизимлари
- ➔ Касб таълими: радиотехника
- ➔ Касб таълими: Нефть ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш
- ➔ Касб таълими: электр энергетикаси
- ➔ Дизайн
- ➔ Менежмент (соҳалар бўйича)
- ➔ Маркетинг (соҳалар бўйича)
- ➔ Нефть ва газ конлари геологияси ва разведкаси
- ➔ Иссиқлик энергетикаси
- ➔ Электр энергетикаси (тармоқлар бўйича)
- ➔ Гидроэнергетика
- ➔ Металлургия
- ➔ Материалшунослик ва янги материаллар технологияси
- ➔ Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришлари жиҳозлари ва уларни автоматлаштириш
- ➔ Технологик машиналар ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича)
- ➔ Авиасозлик ва ракета-космик техникаси
- ➔ Ҳаво кемалари ва авиация двигателларидан техник фойдаланиш
- ➔ Энергетика машинасозлиги
- ➔ Ер усти транспорт тизимлари (транспорт турлари бўйича)
- ➔ Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологияси
- ➔ Кончилик электр механикаси
- ➔ Асбобсозлик
- ➔ Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш (тармоқлар бўйича)

- ➔ Электроника ва микроэлектроника
- ➔ Автоматлаштириш ва бошқарув
- ➔ Радиотехника
- ➔ Нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси
- ➔ Пайвандлаш ишлаб чиқариш машиналари ва технологияси
- ➔ Энергия тежамкорлиги (тармоқлар бўйича)
- ➔ Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (тармоқлар бўйича)
- ➔ Биотиббид муҳандислиги
- ➔ Ҳаво кемаларининг радиоэлектрон жиҳозларидан техник фойдаланиш
- ➔ Автомобилсозлик ва тракторсозлик
- ➔ Геодезия, картография ва кадастр (тармоқлар бўйича)
- ➔ Кончилик иши
- ➔ Каттик фойдали қазилма конлари геологияси ва разведкаси
- ➔ Гидрогеология ва муҳандислик геологияси
- ➔ Нефть-газ саноати машина ва жиҳозлари
- ➔ Геология-разведка ишларининг техника ва технологияси
- ➔ Нефть ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш
- ➔ Нефть-газ қувурлари, омборлари ва нефть-газни қайта ишлаш саноати объектларини лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш
- ➔ Сервис техникаси ва технологияси (хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича)
- ➔ Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш
- ➔ Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар бўйича)
- ➔ Ҳаётий фаолият хавфсизлиги

МАГИСТРАТУРА

- ➔ Саноат дизайни
- ➔ Менежмент (соҳалар бўйича)
- ➔ Рудали ва нурда конлар геологияси, қидирув ишлари: металлогения
- ➔ Нефть ва газ конлари геологияси, разведкаси ва қидирув ишлари
- ➔ Нефть ва газ дала геофизикаси
- ➔ Геология-разведка ишларининг техникаси ва технологияси
- ➔ Иссиқлик электр станциялари
- ➔ Саноат иссиқлик энергетикаси
- ➔ Иссиқлик техникасининг назарий асослари
- ➔ Электр тармоқлари ва усқуналаридан фойдаланиш
- ➔ Электр станциялари
- ➔ Электр энергетика тизимлари ва комплекслари
- ➔ Электр таъминоти (тармоқлар бўйича)
- ➔ Гидроэнергетик қурилмалардан фойдаланиш
- ➔ Қора металллар металлургияси
- ➔ Рангли ва нодир металллар металлургияси
- ➔ Металлургия жараёнларининг физик-кимёвий тадқиқотлари
- ➔ Машинасозлик технологияси (тармоқлар бўйича)
- ➔ Автоматлаштирилган ва автоматик дастгоҳлар тизимлари, комплекслари
- ➔ Қуймакорлик ишлаб чиқариш технологияси ва машиналари
- ➔ Совутиш, криоген техникаси ва мўтадиллаш тизимлари машиналари ҳамда агрегатлари
- ➔ Учиш аппаратларини синаш
- ➔ Учиш аппаратларини ишлаб чиқариш технологияси
- ➔ Учиш аппаратлар, уларнинг тизимлари ва двигателлардан фойдаланиш
- ➔ Иссиқлик двигателлари
- ➔ Тракторлар
- ➔ Босим билан ишлов бериш машиналари ва жараёнлари
- ➔ Электр механикаси (тармоқлар бўйича)
- ➔ Электр изоляцияси ва кабель техникаси
- ➔ Саноат қурилмалари ва технологик комплекслар электр юритмалари ва уларни автоматлаштириш
- ➔ Бошқариш тизимларининг техник диагностикаси ва ишончлилиги
- ➔ Учиш аппаратлари электр жиҳозлари
- ➔ Пилотаж-навигация комплексларининг авиация электр тизимларини техник ишлатиш
- ➔ Кончилик машиналари ва жиҳозлари

- ➔ Тиббид асбоблари ва ўлчов тизимлари
- ➔ Метрология, стандартлаштириш ва сифатни бошқариш (тармоқлар бўйича)
- ➔ Саноат электроникаси
- ➔ Физик электроника
- ➔ Электрон техника материаллари ва компонентлари физикаси ва технологияси
- ➔ Ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва акс эттириш электрон асбоблари ва қурилмалари
- ➔ Техник тизимларда бошқарув
- ➔ Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (тармоқлар бўйича)
- ➔ Робот-техник тизим ва комплексларни бошқариш
- ➔ Нефть ва газни қайта ишлаш ва унинг кимёвий технологияси
- ➔ Нефть ва газни қайта ишлаш жараёнлари ва усқуналари
- ➔ Пайвандлаб ишлаш технологияси ва жиҳозлари
- ➔ Энергетик аудити ва энергия тежамкорлиги (тармоқлар бўйича)
- ➔ Саноат қурилмалари ва технологик комплексларининг энергия тежамловчи электржиҳозлар тизимлари
- ➔ Нанотехнология (тармоқлар бўйича)
- ➔ Кимё саноати жараёнларини автоматлаштириш
- ➔ Тиббий-биологик қурилма, тизим ва мажмуалар
- ➔ Маркшейдерлик иши
- ➔ Фойдали қазилмаларни ер ости усулида ишлаш
- ➔ Фойдали қазилмаларни очик усулда ишлаш
- ➔ Фойдали қазилмаларни бойитиш
- ➔ Нефть ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш
- ➔ Кудук бургулаш
- ➔ Нефть-газ қувурлари, база ва омборларини қуриш ва улардан фойдаланиш
- ➔ Нефть-газ ва нефть-кимёвий жиҳозлар
- ➔ Нодир ва рангли металллар геологияси
- ➔ Уран ва ноёб элементлар геологияси
- ➔ Нефть ва газни қайта ишлаш жиҳозлари
- ➔ Фойдали қазилма конларини қидириш ва разведка қилишнинг геофизик усуллари
- ➔ Гидрогеология ва ер ости сув ресурслари
- ➔ Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш
- ➔ Атроф-муҳитни химоя қилиш ва табиий манбалардан самарали фойдаланиш

Бакалаврият қабулига ҳужжатлар шу йил 20 июлгача қабул қилинади, тест синовлари 1 август кунини ўтказилади.
Магистратура қабулига ҳужжатлар шу йил 30 июлгача қабул қилинади, кириш синовлари 3—10 август кунлари ўтказилади.
Қабул комиссиясининг иш вақти соат 8.30 дан 17.30гача.

Манзил: Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси
Университет кўчаси 2-уй. Телефон: 246-98-12.



Жанубий Африка Республикасини ўн тўққиз кундан буён ларзага келтираётган мундиалнинг эса қоларли воқеликлари етарлича бўляпти. Айниқса, футбол шинавандалари уругвайлик рефери Хорхе Ларрионданинг "каромат"ларини анча вақтгача ёдларидан чиқаролмасе керак... Гап қайси ўйин борасида кетаётганини пайқадингиз: кўпчилик ихлосмандлар инглизлар майдонни бош эгган ҳолда тарк этган учрашувда ана шу ҳакам қайсидир маънода Германия терма жамоасига ён босди, деган фикрда.

мазкур учрашувда ҳам ҳакамлар бригадаси кўпол хатога йўл қўйди. Италиялик кўзга кўринган, тажрибали рефери Роберто Розетти бошқариб борган баҳсда Тевес оффсайддан киритган гол инobatга олинди. Бу мексикаликларнинг эътирозига сабаб бўлди ва ҳатто захира ўйинчилари танаффус пайтида



ЧОРАК ФИНАЛДАЁҚ ФИНАЛ ШУКУҲИ

Шундай масъулиятли учрашувда, очиқчасига, ҳакамлар бригадаси бир неча бор Фабио Капелло шогирдлари зарарига қарорлар қабул қилди. Тўғри, матч аввалида инглизлар ҳар жабҳада "немис машинаси"га имкониятни бой бераётганди. На Уэйн Руни, на Дефонинг ўйини қовушди. Бунинг устига, ҳимоя чизигидаги палапартишликлар ўйин аввалиданоқ Жеррард сафдошларига қийин бўлишидан далolat бераётганди. Шунга қарамай, Англия терма жамоаси Германия дарвозаси сари дастлабки жавоб тўпини киритгач, қутилмаганда чиндан ҳам инглизлар бутунлай уйғонаётганди. Бироқ Ларрионда томонидан Лэмпард киритган яққол голнинг инobatга олинмаслиги, аксинча, Клозенинг оффсайддан урган голи таблода порлаши ҳаммасига амалда нуқта қўйди.

Ёдингизда бўлса, собиқ "кирол" Зайнидин Зидан 2006 йилги мундиал финалида италияликлар дарвозасига пенальтидан худди шу тарзда тўп йўллаган ва у футбол тарихидаги энг мафтункор голлардан бири сифатида муҳрланиб қолганди. 2010 йилги жаҳон чемпионатини ҳам ҳар жиҳатдан беэши муқаррар бўлган Фрэнкнинг зарбаси эса, афсуски, тарихда «хисобга олинмаган гол» сифатида қоладиган бўлди. Шундай қилиб, Йоахим Лёв шогирдлари туманли Альбионни 4:1 ҳисобида тор-мор келтирди. Французларни мағлубиятга учратган мексикаликлар гарчи нимчорак финалда Марадона шогирдларига рўбарў келишганига қарамай, муҳлислар чиройли ўйин кутшаётганди. Бу амалда ҳам ўз тасдиғини топishi мумкин эди, лекин

хатога йўл қўйган ён чизик ҳакамнинг ёқасидан олишгача ҳам бўрди... Аргентиналиклар матчнинг иккинчи таймида жуда тартибли ўйин намойиш этди ҳамда 3:1 ҳисобида зафар кучди. Энди "албиселесете"лар ярим финалга чиқишни исташса, чорак финалда қандоқ қилиб бўлмасин "бундесмашина"ни тўхташлари керак бўлади. Навбатдаги қизиқарли нимчорак учрашуви АҚШ ҳамда Гана жамоалари ўртасида содир этилди. Айтиш жоизки, очиқ ўйин намойиш этилган учрашув кўпчиликда илиқ тасассурот қолдирди. Сўнгги йилларда дунё футболда ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлиб бораётган Гана терма жамоаси пировардида рақибини 2:1 ҳисобида енгиб, мусобақани давом эттирадиган бўлди. Қитъадошларимиз — жанубий корейликларнинг Уругвай терма жа-

моасига қарши ўтказган баҳси ҳам ниҳоятда қизиқарли бўлди. Бироқ якуний натижа асосий вақтлардаёқ ҳал этилди — 2:1. Уругвайликлар чорак финалга йўл олди. Улар ярим финал йўлланмаси учун Ганага қарши тўп суради. Қолган учрашувларда куйидаги натижалар қайд этилди: *Голландия — Словакия 2:1, Бразилия — Чили 3:0 (кеча нимчорак финалнинг энг охириги баҳслари бўлиб ўтди, унда Парагвай Японияга ва Испания Португалияга қарши куч синашди).* Миллионлар ўйини ишқибозларини чорак финалдаёқ шиддатли тўқнашувлар кутиб турибди. Уларнинг ҳар бири ҳар қандай чемпионатнинг финалига тати гулик. Демак, мундиал шуқуҳи ҳали давом этади.

Зоҳиджон ХОЛОВ

ИСТИҚЛОЛ ТЕНГДОШНИНГ ИНТИЛИШЛАРИ

2010-yil — Barkamol avlod yili

Айни пайтда сайёрамиздаги миллионлаб одамлар нигоҳи Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтаётган футбол бўйича XIX жаҳон чемпионатида қаратилгани сир эмас. Кимлардир галаба қувончидан сармаст, бошқалар эса сеvimли жамоасининг мағлубиятига ҳамон ишонгиси келмайди. Айниқса, ўша муҳлису мутахассислар, ташкилотчилар чемпионатнинг тантанали очилиш маросимида майдонга чиққан Ўзбекистон фарзанди Равшан Эрматовнинг дастлабки ўйини бошлаб беришини катта ҳаяжон билан кутгани барчамизнинг қалбимизни фаҳрга тўлдирди. Бу воқеага бутун дунё гувоҳ бўлди. Лекин шу кунлари ФИФА вакиллари яна бир ўзбек йигитини Йоханнесбург аэропортида кутиб олганини кўпчилик билмасе керак...



Жалолиддин Раҳимов — мустақиллик тенгдоши, 1991 йил 31 августда таваллуд топган. Она Ватанимиз, Президент Ислоҳ Каримов раҳномолигида ўз эркини қўлга киритиб, халқимиз озодлик насимларидан эркин нафас ола бошлаган кунларда ўқитувчилар оиласи — Мавлуда ва Полвонназир Раҳимовлар хонадонинда қўшалоқ тантана нишонланганди. Истиқлол берган имкон, давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар, кадрлар тайёрлашнинг ўзига хос миллий тизими яратилгани фарзандларимизнинг иқтидор ва истеъдодини тўла рўёбга чиқаришга хизмат қилаётир. Турли соҳаларга ихтисослашган замонавий коллеж ва академик лицейларда таълим олаётган ёшлар эришаётган муваффақиятлар бунинг ёрқин далилидир.

Жалолиддин пойтахтимиздаги 17 мактабда — ислохотлар натижасида тубдан янгиланган, ҳорижий тилларни чуқур ўргатишга ихтисослашган таълим даргоҳида сабоқ олди. Бошланғич синфдалигидаёқ инглиз тилини ўрганишга интилди. Яратилган шарт-ша-

роитлардан унумли фойдаланиб, компьютер курсларига қатнашни қанда қилмади. Тез орада виртуал олам "тили"ни ҳам ўзлаштирди. Спорт билан шуғулланди, айниқса, футболга астойдил кўнгил қўйди.

Ўзбекистон Миллий университети қошидаги академик лицейда таҳсилни давом эттириши унинг билимлари қамровини янада кенгайтирди. Жаҳон футбол тарихи ва статистикасига оид маълумотларни таҳлил қилишга киришди. Бунда унга инглиз тилини яхши билиши ва компьютер сирларини пухта ўзлаштиргани кўл келди.

Ана шундай таҳлиллар жараёнида *fifa.com* сайти эълон қилган танлов Жалолиддиннинг эътиборини тортди. Унинг талабларига кўра, уч bosqichдан иборат видеоина саволлари берилди. Барча саволларга аниқ жавоб берганлар Жанубий Африка Республикасига — навбатдаги жаҳон чемпионатида тақлиф этиладиган бўлди. Танловнинг ўзига хос жиҳати — висторина on-line тизимида инглиз тилида ўтказилди. Демак, жуда тез мушоҳада юритиш ва минглаб иштирокчилардан аввал жавоб йўллаш лозим.

Уч bosqichli tanlov besh hafta davom etdi. Yakunda dunyo bo'yicha ўн киши голиб деб топилди. Бу рўйхатда биринчилар қатори Жалолиддин Раҳимовнинг исм-шарифи қайд этилди. Лицей ўқувчисини катта ютуғидан бохабар бўлган ФИФА вакиллари унга яна бир имтиёз берди — олис сафарда ҳамроҳлик қиладиган кишининг барча харажатларини ташкилотчилар томонидан қопланди. Ўзбекистонлик ота-бола Раҳимовларни Йоханнесбург аэропортида кутиб олишди, саёҳатга тақлиф қилишди, футбол ўйинларига бепул чипта беришди.

— Мамлакатимизда ёшларнинг пухта билим олиши, уларнинг ўз салоҳиятини ва имкониятини намoён этиш учун яратилган шароитлар туфайли бизга шундай олис юртда хурмат-эҳтиром кўрсатилди, — дейди Полвонназир Раҳимов. — Буларнинг барчаси Президентимизнинг фарзандларимиз ҳеч кимдан кам эмас ва кам бўлмайди ҳам, деган ҳаётий давлатларининг, навқирон авлодга ҳар томонлама гамхўрлик кўрсатилётганининг амалдаги тасдиғидир.

Озод РАҲАБОВ, журналист

«FutGOL» — ЯНГИ ФУТБОЛ НАШРИ

Сўнгги йилларда юртимизда спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Унинг тарғиботида мустаҳкам ўринга эга бўлган оммавий ахборот воситалари борасида гап кетганда, футбол нашрларига алоҳида тўхталиб ўтмасликнинг иложи йўқ.



Миллионлар ўйини ихлосмандлари учун навбатдаги тўхфа ҳадя қилинди. «FutGol» дея номланган мазкур нашр ўзининг илк сони орқали муҳлислар эътиборини жалб этипти.

Yangilik

Газета номи биланок диққатимизни тортади. Инглизча "foot" — "оёқ" ва "goal" — "гол" — маъноларини англатади. Бу икки сўз футболнинг ўзагини ташкил этади, ҳар бир муҳлис тилида аксарият ҳолларда ана шу сўзлар айланади.

Мундиалнинг илиқ

ҳавосидан баҳра олиб, мириқиб футбол спектакл-

ларини томоша қилаётган ихлосмандларнинг талаб ва истакларидан келиб чиққан ҳолда фаолиятини шакллантириб боришга аҳд қилган «FutGol» газетаси таҳририятининг келгуси ишларида зафарлар тилаймиз.

Зухра БОТИРОВА



43 ДАКИҚАЛИК МАТЧ

Россиялик таниқли теннисчи Вера Звонарева Уимблдон турнирида жуда ҳам кўтаринки кайфиятда матчларни ўз фойдасига ҳал этмоқда. У биринчи бўлиб чорак финалга йўлланма олди.

Душанба куни нуфузли мусобақанинг тўртинчи bosqichи доирасидаги матчда 21-рақам остида кортга чиқаётган россиялик ракеткачи сербиялик Елена Янкович устидан ишончли галаба қозонишга муваффақ бўлди. Биринчи сетда Звонарева 6:1 ҳисоби рақибдан устун келган бўлса, иккинчи сетда Янкович 3:0 ҳисоби билан енгилди. Шундан сўнг қутилмаганда Янкович матчи давом эттиролмаслигини маълум қилди ва баҳс тўхтатилди. Шу тариха матч бор-йўғи 43 дақиқа давом этди.

Навбатдаги турда Звонарева икки нафар бельгиялик рақиблар — Жюстин Энен ва Ким Клейстерс ўртасида бўлиб ўтган матч голибаси билан куч синашади.

ПАКЬЯО — ЭНДИ ДЕПУТАТ

Жаҳоннинг энг яхши боксчиларидан бири филиппинлик Мэни Пақьяо ўзини сиёсат оламида ҳам синаб кўрмоқчи. Бунга унинг ўз мамлакатини депутат этиб сайлангани орқали гувоҳ бўлишимиз мумкин, деб эъди «Philippine Daily Inquirer» нашри.

— Мен сиёсатчилик бобинда боксчиликдан кўра кўпроқ натижага эришимиз мумкин, — деди 31 ёшли спортчи 3000 нафар сайловчилар қаршиида.

Боксчи-сиёсатчи ўз нутқида биринчи навбатда соғлиқни сақлаш ва Филиппин жанубидаги Минданао оролидаги исёнчилардан азият чекаётган провинция аҳолиси хавфсизлигини таъминлашга эътибор беришини айтди.

Эслатиб ўтамиз, Пақьяо охириги муштлашувини 2010 йилнинг март ойида ўтказганди. Ушунда у чемпионлик камарини ҳимоя қилиб, ганалик Жошуа Клоттини енгганди.

ГАЛЛАС ЯНГИ «БОШПАНА» ИЗЛАЯПТИ

Жаҳон чемпионати баҳслари билан амалда хайрлашиб улгурган франциялик таниқли футболчи Вильям Галласнинг Англия премьер лигаси аъзоси — «Арсенал» клубидаги фаолияти яна бир ойдан сўнг ниҳоясига етади, дея маълумот берди «L'Equipe» нашри.

Шундай экан, Галлас ўзи учун янги жамоа излашни ҳозирданоқ бошлаши мақсадга мувофиқ. Мундиалда муваффақиятсизликка учраган чарм тўп соҳибига ҳақида «канонирлар» устозининг фикрини ҳам ўрганиш керак. Шунга қарамай, Галлас учун Италиянинг «Ювентус» клуби мутасаддилари аллақачон «огиз солишган». 32 ёшли қоралаган футболчи эса бу таклифни рад этмоқда. Сабаби у «Арсенал» таркибида йилига 4 миллион евро ишлайди. «Юве»нинг берадиган маоши эса 2 миллиондан ортмас экан. Галлас билан шартнома имзолашни истаётганлар орасида «Панатинайкос», «ПСЖ» ва «Рома» клублари бор.

Шаҳина ЖҲРАЕВА ва Зухра ХАЛИЛОВА тайёрладилар.

БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ 2010 - 2011 ЎҚУВ ЙИЛИДА ҚУЙИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА ТАЛАБАЛИККА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Бакалаврлар таъбирлаш бўйича:

№	Йўналишлар номи
1.	Касб таълими (бакалаврият таълим йўналишлари бўйича):
1.1.	Менежмент
1.2.	Иқтисодиёт
1.3.	Туризм
1.4.	Аҳоли ва туристларнинг овқатланишини ташкил этиш сервиси
1.5.	Енгил саноат маҳсулотларини конструкциялаш ва технологияси
1.6.	Технологик машиналар ва жиҳозлар
1.7.	Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш
1.8.	Машинасозлик технологияси, жиҳозлари ва машинасозликда ишлаб чиқаришни автоматлаштириш
1.9.	Бинолар ва иншоотлар қурилиши
1.10.	Информатика ва ахборот технологиялари
1.11.	Электр энергетикаси
1.12.	Тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси
1.13.	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш
1.14.	Сервис техника ва технологияси
1.15.	Дизайн
1.16.	Озиқ-овқат технологияси
2.	Бизнес, муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари йўналишлари:
2.1.	Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
2.2.	Технологик машиналар ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича)
2.3.	Бинолар ва иншоотлар қурилиши (турлари бўйича)
2.4.	Тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси
2.5.	Электр энергетикаси (тармоқлар бўйича)
2.6.	Енгил саноат маҳсулотларини конструкциялаш ва технологияси
2.7.	Нефт-газ саноати машиналари ва жиҳозлари
2.8.	Нефт ва газ конлари геологияси ҳамда разведкаси
2.9.	Геология-қидирув ишларининг техникаси ва технологияси
2.10.	Нефт ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш
2.11.	Тўқимачилик, енгил ва қоғоз саноати буюмлари кимёвий технологияси
2.12.	Нефт ва нефт-газ қайта ишлаш технологияси
2.13.	Озиқ-овқат технологияси (маҳсулотлари турлари бўйича)
2.14.	Архитектура

2. Магистрлар таъбирлаш бўйича:

№	Мутахассисликлар номи
1	Касб-таълими (озиқ-овқат технологияси)
2	Тўқимачилик ва енгил саноат машиналари ҳамда аппаратлари
3	Озиқ-овқат саноат машина ва агрегатлари
4	Чарм ва мўйна технологияси
5	Нефт ва газ қайта ишлаш ҳамда унинг кимёвий технологияси
6	Нефт ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш
7	Ўсимлик мойларини ишлаб чиқариш технологияси
8	Дон ва дон маҳсулотларини сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологияси
9	Озиқ-овқат хавфсизлиги

Ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни институт қабул комиссиясига топширишлари керак:

- Магистратура мутахассислиги кўрсатилган ҳолда, институт ректори номига ариза;
 - Олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси (ёки дипломдан кўчирма Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларини давлат гранти бўйича ўқиб тугатганлар учун) ҳамда унга илова;
 - 3,5x4,5 см. ўлчамли 6 дона рангли фотосурат;
 - 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома;
 - Фуқаролик паспортдан нусха.
- Фуқаролик паспорти ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади. Ҳужжатлар 2010 йил 1 июлдан 30 июлгача қабул қилинади.
- Магистратурага кириш синовлари 3-10 август кунлари ўтказилади.

Институт манзили: Бухоро шаҳри

Қаюм Муртазоев кўчаси, 15-уй.
Тел: 8(365) 223-74-36 223-61-97



Ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни институт қабул комиссиясига топширишлари керак:

- Таълим йўналиши ва ўқув тили кўрсатилган ҳолда, институт ректори номига ариза;
 - Ўрта таълим (11-синф негизда) ёки ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасини тугатганлиги ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;
 - 3,5x4,5 см. ўлчамли 6 дона рангли фотосурат;
 - 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома;
 - Фуқаролик паспортдан нусха.
- Фуқаролик паспорти ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади. Ҳужжатлар 2010 йил 21 июндан 20 июлгача қабул қилинади.
- 20 июл куни соат 18.00 да абитуриентлардан ҳужжат қабул қилиниши тўхтатилади.
- Тест синовлари 1 август куни ўтказилади.

Ma'rifat

ТА'СИС ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими
вазирлиги, Ўзбекистон Олий
ва о'рта махсус таълим
вазирлиги, Ўзбекистон
Таълим ва фан ходимлари
касба uyushmasi
Markaziy Kengashi.

Бosh муharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Тahrir hay'ati: Jumanazar BEK-
NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV,
Xurshid DO'STMUHAMMEDOV,
Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning
birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV
(mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA,
Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV
(bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan
USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari,
"Учитель Узбекистана"), Aleksey
CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Уз-
бекистана"), Sa'dulla HAKIMOV

Gazeta
O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
№ 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-522.
Tiraj 40189.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:
Qurbonboy MATQURBONOV.
Navbatchi:
Sanjar RUSTAMOV.

*Ma'rifat dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat
ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan
materiallar muallifga qaytarilmaydi.
belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib - 233-99-15, umumiy o'rt
va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi - 236-53-16, fan,
oliy va o'rtta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi
- 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti
yangiliklari bo'limi - 236-54-26, ma'naviyat va maktabdan
tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi - 236-54-23, siyosat,
xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi - 236-55-58,
reklama va marketing bo'limi - 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

*Sharq nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxonalar manzili: "Buyuk Turon"
ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish
vaqti - 21.00.
Topshirildi - 21.00
Yza ayuni - 21.00